movchiligidan tashqari, buyrak yetishmovchiligida suprafiziologik gemoliz (uremik muhitda eritrotsitlar umrining pasayishi) kuzatiladi. Sog'lom odam tanasida 120 kun davomida hayotiy faoliyatini saqlaydigan eritrotsitlar uremiya bilan og'irgan bemorda 70 kundan keyin membrana tuzilishining buzilishi tufayli o'ladi. Surunkali buyrak kasalligida anemiyaning asosiy mexanizmi buyraklar tomonidan endogen eritropoyetin ishlab chiqarishning kamayishi yoki yo'qligi hisoblanadi. Surunkali buyrak kasalligi bo'lgan bemorlarda temir tanqisligining mavjudligi esa anemiyaning og'irligini kuchaytiradi. Shuni ta'kidlash kerakki, buyrak anemiyasining patokimyoviy ko'rinishlari eritropoyetin yetishmasligidan tashqari, qondagi temirning tanqisligi, transferrinning to'yinganlik koeffitsiyentining pastligi va natijada eritropoyezning temir bilan yetarli darajada ta'minlanmasligiga sabab bo'ladi.

Kasallik aynan reproduktiv yoshdagi bemorlarning jismoniy va ma'naviy azoblanishiga, ish faoliyatining va jismoniy yuklamalarga tolerantligining pasayishiga, jinsiy va kognitiv funktsiyalarning yomonlashishiga olib keladi va bir qator alomatlar bilan birga keladi, ularning harakati va o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish qobiliyatlarini cheklanishiga va ko'pchilik hollarda nogironlikka sabab bo'ladi.

Lyupus nefrit bosqichini tashxislashda oltin standart buyrak biopsiyasi hisoblanadi. Buyrak biopsiyasi LN diagnostikasi va bosqichini aniqlash uchun oltin standart bo'lib, odatda siydik tahlili meyoridan og'ishgandan so'ng o'tkaziladi. Shu bilan birga, buyrak kasalligi siydik tahlilidagi o'zgarishlardan oldin yuzaga keladi va tashxisni sezilarli darajada kechiktiradi. Buyrak biopsiyasi uchun ko'plab qarshi ko'rsatmalar mavjud, masalan, boshqarib bo'lmaydigan gipertenziya, gemorragik diatezi, yagona buyrak, infeksiya, qon ketish xavfi v.b. [1]. Bundan tashqari bemorlarda LN ni takroriy baholash va monitoring qilish uchun buyrak biopsiyasini ketma-ket o'tkazish bemor holatiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin va invaziv bo'lmagan biomarkerlarga ehtiyoj tug'iladi. Bu erda biz sitokinlar, xemokinlar va adezyon molekularini o'z ichiga olgan turli tabiatdagi siydik oqsil markerlarining TQB dagi LN faolligini farqlashdagi o'rnini baholaymiz.

TQB turli xil ko'rinishlarga ega bo'lgan autoimmun kasallik bo'lib, tanadagi deyarli har qanday tizimga ta'sir qilishi mumkin. Lyupus nefritda kasallikning prognozi ko'plab remissiya va residivlar bilan almashinib kechadi va kasallikning kechishi bemorning yoshiga, jinsiga, nefrit bosqichlariga, olgan davo muolajalariga va buyrakning funksiyalariga bog'liq [7]. Tizimli qizil bo'richa da lyupus nefrit o'lim xavfini oshiradi.

Tadqiqot maqsadi

Tizimli qizil bo'richada renal kamqonlikni baholashda klinik-laborator, immunologik tekshiruvlarning diagnostik va prognostik ahamiyatini o'rganish.

Material va usullar

Tadqiqotda LN bo'lmagan tizimli qizil bo'richali bemorlar 20 ta (TQB/LN siz) va 20 nafar tizimli qizil bo'richa LN bo'lgan (TQB/LN) bemorlar va 20 nafar sog'lom nazorat guruhi ishtirok etdi. Barcha bemorlar TTA klinikasida revmatologiya va nefrologiya bo'limlarida 2023 oktyabrdan 2024 yil yanvargacha to'plangan. Bemorlardagi klinik va fiziologik tekshiruvlarga ko'ra 1997 yil Amerika revmatologlar assotsiyatsiyasi ("American College of Rheumatology" (ACR)) tomonidan qabul qilingan 11 ta mezondan kamida 4 tasi musbat natijani ko'rsatdi. Ushbu tadqiqotda ACR tomonidan tasvirlangan mezonlarga ko'ra doimiy proteinuriya $> 0,5$ g/kun yoki siydik tahlilida > 3 va undan yuqori hujayra silindrlari (eritrotsitlar, donador, aralash) bo'lishi kuzatildi. SLE bemorlardagi kasallik faolligi SLEDAI-2K modifitsirlangan shkalasi yordami-da baholandi.

Shuningdek 20 nafar tizimli qizil bo'richa lyupus nefritsiz bemorlar guruhi tadqiqotga kiritildi. Bemorlardagi quyidagi o'zgarishlar qayd etildi: yoshi, jinsi, tizimli qizil bo'richa kasalligining davomiyligi, fotosensibilizatsiya, teridagi o'zgarishlar, faol artrit, LN faolligi va qabul qiladigan dori-darmonlari. Tadqiqotimizdagi barcha bemorlar bazis terapiya oldilar, bemorlarning hech biri anemiyaga qarshi davo olmadi.

Barcha bemorlar klinik-laborator tekshiruvlardan quyidagi namunalarni topshirdilar: umumiy siydik tahlili, umumiy qon tahlili, eritrotsitlar cho'kish tezligi (ECHT), C-reaktiv oqsil (CRO), qon zardobida kreatinin, mochevina, KFT, antinuklear autoantitela (ANA) va anti-ds-DNK, Interleykin 6, 4 va TNF hamda sutkalik siydik miqdori va undagi oqsil tarkibini baholash uchun yig'ilgan siy-

dik namunalaridan foydanildi. Qondagi gemoglobin miqdori esa umumiy qon tahlili va qon zardobidagi ferritinni o'lchash orqali aniqlandi.

Ushbu tadqiqot natijasida olingan ma'lumotlarni statistik qayta ishlash ASER52472Z tipidagi kompyuterda Excel 6.0 Windows 2013 elektron jadvallar to'plamidan foydalangan holda amalga oshirildi. Ishda korrelyatsion tahlil usullari qo'llanilgan. Uning jadvallaridagi qiymatlari variatsion qatorning arifmetik o'rtacha qiymati sifatida keltirilgan. Statistik gipoteza sifatida ahamiyati kamida 95% bo'lgan alternativadan foydalanilgan ($p < 0.05$). O'rtacha tenglikni tekshirish uchun quyidagilar ishlatilgan: Styudentning juft va ikki juft mezonlari.

Tadqiqot uchun 20 nafar TQB/LN bo'lmagan va 20 nafar TQB/LN bo'lgan bemor va 20 ta sog'lom odam nazorat guruhi ishtirok etdi. TQB/LN siz guruhiga 19 ayol (95%) va 1 erkak kiradi (5%); ularning yoshi 18 dan 54 yoshgacha bo'lgan o'rtacha $30,2 \pm 5,8$ yil va ularning kasallik davomiyligi o'rtacha $9,0 \pm 4,3$ yil bilan 2 dan 18 yilgacha bo'lgan. TQB/LN guruhiga 18 ayol (90,0%) va 2 erkak (10,0%) kiradi. Ularning yoshi 20 yoshdan 53 yoshgacha bo'lgan o'rtacha $32,1 \pm 4,8$ yil va ularning kasallik davomiyligi 1 yildan 15 yilgacha bo'lgan o'rtacha $7,6 \pm 3,7$ yilni tashkil qildi. Nazorat guruhi 17 nafar ayol (85 %) va 3 nafar erkak (15%) ularning yoshi 20 yoshdan 55 yoshgacha bo'lgan o'rtacha $30,1 \pm 7,5$ yilni tashkil qildi. Guruhlarni yosh va jins tarkibi bo'yicha o'rganilganda ular orasida sezilarli farqlar yo'q.



Umumklinik laborator tahlillardan TQB/LN siz guruhida zardobdagi o'rtacha rang ko'rsatkichi o'rtacha $0,87 \pm 0,03$ ni tashkil etdi. TQB/LN guruhda rang ko'rsatkichi o'rtacha $0,65 \pm 0,065$ bo'ldi. Biokimyoviy laborator tahlillardan ferritinning o'rtacha ko'rsatkichi TQB/LN guruhda $19,98 \pm 0,05$, TQB/LN siz guruhda $32,89 \pm 0,06$ ni tashkil qiladi. Nazorat guruhda rang ko'rsatkichi o'rtacha $0,95 \pm 0,065$ va ferritinning o'rtacha ko'rsatkichi $39,95 \pm 0,06$ ni tashkil qiladi.

Tahlil natijalariga ko'ra rang ko'rsatkichi, ferritin miqdori TQB/LN guruhda TQB/LN guruhga nisbatan past va har ikkala guruhda nazorat guruhiga nisbatan past.

O'tkazilgan umumklinik laborator taxlillar natijalariga ko'ra gemoglobin TQB/LN siz guruh bemorlarida gemoglobin miqdori o'rtacha $99,5 \pm 1,44$ g/l; TQB/LN guruhda esa $80,23 \pm 1,05$ g/l; eritrotsitlar TQB/LN siz guruhda $3,2 \pm 0,15$, $2 \times 10^{12}/l$; TQB/LN guruhda $2,9 \pm 0,06 \times 10^{12}/l$ bo'ldi. Nazorat guruhida gemoglobin miqdori o'rtacha $120,5 \pm 1,7$ va eritrotsitlar $3,7 \pm 0,07 \times 10^{12}/l$ bo'ldi.

Leykotsit TQB/LN siz guruhda $6,5 \pm 0,41$; TQB/LN guruhda esa $7,1 \pm 0,21 \times 10^9/l$ ni tashkil etdi. ECHT TQB/LN siz guruhda $17,38 \pm 1,1$; TQB/LN guruhda esa $20,1 \pm 1,48$ mm/s ekanligi ko'rildi. Kasallik chuqurlashgan sari gemoglobin kamayib borgan bo'lsa, yallig'lanish jarayonlari ko'ptokchalar sonining kamaygani sari sustlashib borayotgani ko'zga tashlangan.

Proteinuriya TQB/LN siz guruhda $0,3 \pm 0,29$; TQB/LN guruhda $1,2 \pm 0,18$ bo'lib, peshobning solishtirma og'irligi esa TQB/LN siz guruhda $1011,1 \pm 0,45$; TQB/LN guruhda esa $1009,4 \pm 0,41$ qiymatga pasayib ketganini ko'rish mumkin. Asoratlanmagan ko'ptokcha yallig'lanish kasalliklarining asosiy mezonlaridan hisoblangan proteinuriya SBK da ham davom etadi.



1-rasm. Tizimli qizil bo'richali bemorlarda rang ko'rsatkich va ferritinning guruhlardagi uchrash nisbati.

O'tkazilgan biokimyoviy tekshiruvlar natijalariga ko'ra TQB/LN siz guruh bemorlarda umumiy oqsil $65,3 \pm 1,09$; TQB/LN guruhda umumiy oqsil $58,1 \pm 0,44$ qiymatga kamayib ketganini ko'ramiz. Nazorat guruhida esa $70,2 \pm 0,41$ yani umumiy oqsil miqdorining me'yorda ekanligini ko'rishimiz mumkin. Ma'lumki SBK progressivlanib borgan sari organizmda katobolizm jarayonlarini kuchayib borishi tufayli umumiy oqsil kamayib boradi. Tadqiqotdagi guruhlarimizda bu yaqqol namoyon bo'lgan.

Jigar morfofunktsional holatini belgilovchi ko'rsatkichlar hisoblanganda ALT TQB/LN siz guruhda $27,73 \pm 1,886$; AST $24,3 \pm 1,9$; bilirubin $16,9 \pm 0,34$; TQB/LN guruh bemorlarida esa ALT $25,5 \pm 0,916$; AST $20,6 \pm 0,88$; bilirubin $15,8 \pm 0,40$ qiymatda me'yoriy ko'rsatkichlarni namoyon qildi. Mineral nomutanosibliklarini ifodalovchi kaliy TQB/LN siz guruhda $3,8 \pm 0,04$, TQB/LN guruh bemorlarida $3,7 \pm 0,08$ mkmol/l bo'lib me'yorning nisbatan pastki chegarasini egallagan. Glyukoza TQB/LN siz guruhda $4,97 \pm 0,088$; TQB/LN guruhda $5,82 \pm 0,078$ bo'lgan me'yoriy ko'rsatkichlarni namoyon qildi. Gemostazga aloqador ko'rsatkich fibrinogen har ikkala guruhda deyarli bir xil me'yoriy $347 \pm 10,94$ va $349,1 \pm 11,81$ natijalarini namoyon etgan bo'lsa, trombotest esa $5,27 \pm 0,074$ va $5,29 \pm 0,077$ qiymatlar bilan biroz oshgani, ko'ptokchalardagi giperkoagulyatsiya jarayonining xali ham davom etayotganidan dalolat beradi. Tadqiqotlar davomida olingan natijalar qiyosiy solishtirish imkoniyatini bermoqda.

Natijalar va muhokama

Buyrak funksional holatini baholovchi ko'rsatkichlardan umumiy oqsil, mochevina, kreatin, KFT miqdorining TQB/LN guruhning TQB/LN siz guruhga nisbatan norma chegaralaridan kamayganligini va har ikkala guruhda nazorat guruhiga nisbatan kamayganligini ko'rishimiz mumkin.

Lekin aynan gemoglobin, eritrotsit, rang ko'rsatkich, ferritinlarning miqdori TQB/LN guruhda yanayam kamayganligini ko'rishimiz mumkin. Qon tarkibidagi temir deposi bo'lmish ferritinning o'rtacha ko'rsatkichi ham TQB/LN guruh bemorlarda me'yoriy chegaradan pastligini aniqlandi.

Ushbu tadqiqotning asosiy natijalari shundan iboratki, gemoglobin miqdori TQB/LN bilan kasallangan

bemorlarda TQB/LN bo'lmagan bemorlarga qaraganda kam uchraydi va har ikkala guruhda ham nazorat guruhga nisbatan past bo'lishi o'z tasdig'ini topdi. Bu shuni anglatadiki har ikki guruhda buyrakning funksional faoliyatini baholovchi laborator ko'rsatkichlarning mos ravishda pasayganligi, buyrak UTT taxlillari, UQT dagi gemoglobin, eritrotsit, rang ko'rsatkichlar hamda biokimyoviy taxlillardagi ferretin miqdorining TQB/LN guruhda TQB/LN siz guruhga nisbatan sezilarli darajada pastligini ko'rishimiz mumkin.

Xulosa

Kasallik chuqurlashgan sari renal kamqonlikning avjlanishi namoyon bo'lmoqda. Lekin kasallikning aynan qaysi bosqichida buyrak jarohatlanishi yuzaga kelayotganligi, renal anemiya rivojlanayotganligi hamda davo samaradorligini baholashimiz uchun oltin standar bo'lgan buyrak biopsiyasi, VCAM-1, ALCAM, C1q v.b sitokinlarni ham tekshirishimiz maqsadga muvofiq bo'lar edi [3,5].

Dunyo miqyosida olib borilayotgan ko'pgina tadqiqotlarga qaramay hanuzgacha lyupus nefritning kechish xususiyatlari va davolash bo'yicha muammolar o'z yechimini yetarlicha topmagan. Bu kasallikning ko'p omilliligi bilan bog'liq, ya'ni oqsil, suv-elektrolit, minerallar almashinuvi, kislotatashqor muvozanati buzilishlari, qon tarkibining sifat va miqdoriy jihatdan og'ir hamda chuqur o'zgarishlari kabi ko'pgina patogenetik bo'g'inlarning qo'pol, shuningdek, qaytmas buzilishidir [4]. Mazkur ko'p omillarni chuqurlashtiradigan, yomonlashtiradigan, jadallashtiradigan va oqibat o'limga olib keladigan eng asosiy omil bu uremik intoksikatsiya va anemik sindromdir. Shuningdek tizimli qizil bo'richa zamonaviy sog'liqni saqlash tizimining asosiy bir tibbiy-ijtimoiy muammolaridan bo'lib qolmoqda. Sababi uning keng tarqalib borayotgani va jadal ravishda avj olib borishi pirovardida terminal buyrak yetishmovchiligiga olib kelishi nisbatan qimmat buyrak o'rinbosar terapiyani taqozo etmoqda. Biz yuqorida keltirgan tadqiqotlarimiz asnosida mana shu muammolarning ba'zilariga, lekin ahamiyati nisbatan muximroq bo'lgan patogenetik bo'g'inlariga atroficha to'xtalidik. Tizimli qizil bo'richa bemorlarda lyupus nefrit buyrak faoliyati buzilishi bilan nafaqat buyrak faoliyatini belgilovchi ko'rsatkichlar

bo'lgan mochevina, kreatinin oshib ketishi hamda TQB ning pasayib ketishi kuzatiladi, balki bemorlarning ruhiy holati salbiy tomonga o'zgaradi va hayot sifati yomonlashib boradi, o'lim ko'rsatkichi ortib boradi. Bunda bemorlarning jismoniy va emotsional faoliyati o'z turmush tarzidan qoniqmaslik xissi sog'lom shaxslarga nisbatan sezilarli darajada farq qiladi. Chunki kechki bosqichlarida o'tkazilishi lozim bo'lgan o'rinbosar terapiya, buyrak transplantatsiyasi kabi tadbirlar shundoq ham yillar mobaynida muttasil medikamentoz davolanishga bog'lanib qolgan tizimli qizil bo'richa bemorlarining ruhiyatiga qattiq zarba bo'ladi.

Adabiyotlar

1. Anders H.J., Saxena R., Zhao M.H., Parodis I., Salmon J.E., Mohan C., Lyupus nefriti. Nat. Rev. Dis. Astarlar. 2020;6:7. doi: 10.1038/s41572-019-0141-9.
2. Bobokulov M.B., Babajanova N.R., Husankhodzhaeva F.T., Sa-lyamova F.E., Mukhitdinova N.Z. Assessment Of The Morphofunctional State Of The Transplant In The Period After RenalTransplantation. Uzbek Scholar Journal. -2022. -№10.-P. 418- 427.
3. James J.A., Kaufman K.M., Farris A.D., Taylor-Albert E.T., Lehman J. A., and Harley J.B., "An increased prevalence of Epstein-Barr virus infection in young patients suggests a possible etiology for systemic lyupus erythematosus," J. Clin. Invest., 1997.-№ 12.-Vol.100. P. 3019-3026.
4. Haynes Barton A.F., Harrison's Internal Medicine, Immunology, 21th edition .
5. Isenberg D.A., Rahman A., "Systemic Lyupus Erythematosus," N. Engl. J. Med., 2008.-№ 22.- Vol. 358.-P. 2412-2413.
6. Matera A.G., Wang Z. A day in the life of the spliceosome Nat. Rev. Mol. Cell Biol., 2014. -№15.-P. 108-121.
7. Perdriger A., Werner-Leyval S., and Rollet-Elamrani K., "The genetic basis for systemic lyupus erythematosus," Joint. Bone. Spine- 2003.- № 2.-Vol. 70. P. 103.

TIZIMLI QIZIL BO'RICHADA RENAL KAMQONLIKNI BAHOLASHDA KLINIK-LABORATOR, IMMUNOLOGIK KO'RSATKICHLARINING DIAGNOSTIK VA PROGNOZIK AHAMIYATI

Aybergenova X.Sh., Mirzaliyeva A.A., Saidrasulova G.B., Isakova E.I.

Maqsad: lyupus nefrit (LN) tizimli qizil yuguruk (TQY) ning keng tarqalgan va jiddiy kasalligi bo'lib uzoq muddatli buyrak jarohatlanishiga olib keladi va bemorning omon qolishiga salbiy ta'sir qiladi. Bu kabi holatlarning oldini olish uchun klinik-laborator, immunologik tekshiruvlarning diagnostik va prognostik ahamiyati muhim o'rin tutadi. **Material va usullar:** tadqiqotda LN bo'lmagan tizimli qizil bo'richali bemorlar 20 ta (TQB/LN siz) va 20 nafar tizimli qizil bo'richa LN bo'lgan (TQB/LN) bemorlar va 20 nafar sog'lom nazorat guruhi ishtirok etdi. **Natijalar:** buyrak funktsional holatini baholovchi ko'rsatkichlardan umumiy oqsil, mochevina, kreatin, TQB miqdorining TQB/LN guruhning TQB/LN siz guruhga nisbatan norma chegaralaridan kamayganligini va har ikkala guruhda nazorat guruhiga nisbatan kamayganligini ko'rishimiz mumkin. **Xulosa:** kasallik chuqurlashgan sari renal kamqonlikning avjlanishi namoyon bo'lmoqda. Lekin kasallikning aynan qaysi bosqichida buyrak jarohatlanishi yuzaga kelayotganligi, renal anemiya rivojlanayotganligi hamda davo samaradorligini baholashimiz uchun oltin standart bo'lgan buyrak biopsiyasi, VCAM-1, ALCAM, C1q v.b sitokinlarni ham tekshirishimiz maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Kalit so'zlar: lyupus nefrit, renal kamqonlik, TQB, biopsiya.



ОСТЕОАРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА ФОСФОР-КАЛЬЦИЙ АЛМАШИНУВИ ВА СУЯК ТЎҚИМАСИ МЕТАБОЛИЗМИ БИОХИМИК МАРКЕРЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Алиахунова М.Ю.

БИОХИМИЧЕСКИЕ МАРКЕРЫ ФОСФОРНО-КАЛЬЦИЕВОГО ОБМЕНА И ОБМЕНА КОСТНОЙ ТКАНИ У БОЛЬНЫХ ОСТЕОАРТРИТОМ

Алиахунова М.Ю.

INDICATORS OF BIOCHEMICAL MARKERS OF PHOSPHORUS-CALCIUM METABOLISM AND BONE TISSUE METABOLISM IN PATIENTS WITH OSTEOARTHRITIS

Aliakhunova M.Yu.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази

Цель: оценка некоторых показателей минерального обмена у больных остеоартритом. **Материал и метод:** диагноз остеоартрита устанавливали на основании Номенклатуры и классификации Института ревматологии РМФА (1989) и классификационных критериев остеоартроза. **Результаты:** изменения минерального состава крови, динамика активности ферментов у больных остеоартритом имеют одинаковую природу и связаны с кальциево-фосфорными изменениями в крови, нарушениями гормонального статуса, метаболизма витамина D. Кроме того, они влияют на процесс костеобразования и резорбции при остеопенических заболеваниях. **Выводы:** выявленные нарушения показателей минерального обмена у больных остеоартритом свидетельствуют о потенциальном риске полиорганных нарушений, что, несомненно, является одним из патогенетических механизмов, способствующих обострению заболевания.

Ключевые слова: остеоартрит, кальций, фосфор, остеопения, минеральный обмен.

Objective: To study the state of some indicators of mineral metabolism in patients with osteoarthritis. **Material and methods:** The diagnosis of osteoarthritis was established based on the Nomenclature and Classification of the Institute of Rheumatology RMFA (1989) and classification criteria for osteoarthritis. **Results:** Changes in the mineral composition of the blood and the determined dynamics of enzyme activity in patients with osteoarthritis are of the same nature and are associated not only with calcium-phosphorus changes in blood content, disturbances in hormonal status, and vitamin D metabolism, but also affect the process of bone formation and resorption in osteopenic diseases. **Conclusions:** The identified disturbances in mineral metabolism in patients with osteoarthritis indicate a potential risk of multiple organ disorders, which is undoubtedly one of the pathogenetic mechanisms contributing to the exacerbation of the disease.

Key words: osteoarthritis, calcium, phosphorus, osteopenia, mineral metabolism

Остеоартритли беморларда фосфор-кальций алмашинуви ва суюқ тўқимаси метаболизми биохимик маркерларининг кўрсаткичлари. Остеоартрит(ОА) – бўғимлар ва бўғим олди тўқималарининг тизимли касаллиги бўлиб, рентгенологик белгилари бўйича яллиғланиш касаллиги аломатлари бўлган дегенератив жараён сифатида анъанавий аниқланади.

Остеоартрит (Остеоартроз) - бу ҳаёт сифатининг ёмонлашувига ва ногиронликка олиб келадиган таянч-ҳаракатланиш тизимининг зўрайиб борувчи касаллиги. Остеоартрознинг кенг тарқалиши ва у билан боғлиқ ижтимоий оқибатлар ушбу патологияга чалинган беморларнинг ташхисланишини, уларни даволаш ва реабилитациясини такомиллаштириш масалаларини тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммолар даражасига кўтарди(6,7,8). Дунё аҳолисининг 20 %идан кўпроғи ОА касаллигидан азият чекоқда, мазкур одамларнинг 80 % ҳаракатланишда қийналади, ногиронлик олганларнинг 30 % ни эса ОА билан касалланганлар ташкил қилади [1,9,10].

ОА полиэтиологик касаллик ҳисобланади. Мазкур касалликнинг ривожланишига олиб келадиган бирор аниқ сабаб бўлмаса керак. Л.И.Алексеева

ва бошқаларнинг фикрига кўра (2004) патогенез негизда анаболик ва катаболик жараёнлар ўртасида, аввало гиалинли тоғайда ва субхондрал суюқда мувозанат бузилишлари ётиб, улар турли хил омиллар билан индукцияланади (қўллаб-қувватланади). Бунда ОА да патологик жараён, жумладан синовиал пардани, бўғим капсуласини, бўғим ичи бойламлари ва бўғим олди мушаклари билан бирга қамраб олинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак [1].

Тадқиқот мақсади

ОА бўлган беморларда минерал алмашинувининг баъзи бир кўрсаткичлари ҳолатини ўрганиш.

Материал ва усуллар

ОА ташхиси Россия Тиббиёт Фанлари Академияси Ревматология институти номенклатураси ва таснифи (1989) ва остеоартроз таснифий мезонлари асосларида аниқланган. Назоратимиздаги ОА ли беморларнинг 64 (87,8%) аёллар ва 9 (12,3%) эркеклардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёшлари 48,9 ташкил қилди. Текширилган беморларнинг клиник тавсифлари келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, ОА бўлган беморлар дастлабки ҳолатига кўра иккита кичик гуруҳларга бўлинган эди: а) иккиламчи реактив синовит биланасоратланган

ОА бўлган 32 нафар (44%) ва б) иккиламчи синовит билан асоратланмаган ОА бўлган 41 бемор (56%). Беморларнинг ёши 31дан 72 ёшгача эди. Касаллик давомлиги 1 йилдан 20 йилгача бўлган. ОА босқичини аниқлаш учун шикастланган бўғимлар рентгенологик усулда текширилган. I-босқич 10(13,6%), II - босқич 32 (43,9%), III-босқич 31(42,5%) беморларда аниқланди. Клиник шаклига кўра беморларнинг кўпчилиги қисми 90,4%ида гонартроз, 9,6%ида чаноқ-сон бўғими артрози учради.

Плазмадаги кальций миқдори гормонал сигналларда сезувчан систем суяги томонидан бошқа-

рилишини қайд этиш лозим. Буйраклар фосфат ва магнийни реабсорбция қилиб, шу ионлар алмашинувига асосий бошқарув таъсирини кўрсатади ва шу тариқа суяк тўқимасини жалб этмай, доимий кальций миқдорини таъминлайди. Бу жараёнда паратгормон, ва D витамини эффекти шак-шубхасиз. D витамини фаол шаклда суяк массасини қувватлаб, кальций ва фосфорнинг тегишли миқдорларини янги суякни минераллаштириш учун етказишни таъминлайди.

1 -жадвал

Остеоартрит бўлган беморларда қонда минерал алмашинуви кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом шахслар назорат/п=20	ОА N=34
Кальций миқдори мМоль/л	2,36±0,02	2,07±0,13*
Фосфор миқдори мМоль/л	1,18±0,04	0,89±0,05*
Магний миқдори мМоль/л	0,95±0,07	0,87±0,03
Ишқорий фосфатаза ЕД/л	117,5±4,2	215,8±9,71

Изоҳ: * - P<0,05 фарқларнинг ишонарлиги

Натижалар ва муҳокама

ОА да қонда кальций даражаси пасайишини кузатамиз, у касалликнинг кўшилиб келган шаклида бирмунча яққол кўринади.

Текширишларимиз кальцийнинг ионлашган ва ионлашмаган шаклидаги суммар концентрацияси тўғрисида ахборот беради, ваҳоланки Ca²⁺ ионларининг хужайра ичидаги концентрацияси анча паст ва у эрувчан лигандалар, хужайра мембраналари билан боғлиқ.

Суяк тўқимаси метаболизмида ноорганик фосфор муҳим рол ўйнайди. Қон зардобиди ноорганик фосфор HPO₄²⁻ ва H₂PO₄⁻ ионлари билан берилган.

Олинган текшириш натижаларидан маълум бўлишича (1-жадвал) текширилаётган беморлар қонида фосфор миқдори пасайишга мойил, бу остеоартритда кўпроқ юзага чиққан.

Чунончи, ОА ли беморларда қонда фосфор миқдори 0,89±0,05 мМоль/л қийматларигача пасаяди, бу дастлабки қийматлардан 25% га паст. Касалликнинг кўшилиб келган шаклида фосфор миқдори бундан ҳам кўп пасаяди ва 0,76±0,02 мМоль/л ни ташкил қилди (нормада 1,18±0,04 мМоль/л), (P<0,05).

Маълумки, гипофосфатемия D3 витамини етишмовчилигида ривожланади [5]. Фосфор сўрилиши бузилишлари, эҳтимол, жигарнинг сурункали касаллиги билан боғлиқ, шунингдек, парақалқонсимон безларининг паратиреоид гормонни ортиқча ишлаб чиқариш ҳолати бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ОП ривожланиши билан суяк тўқимасидаги резорбция шароитларида унинг буйраклар томонидан экскрецияси кўпайиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Баланс D витамини билан боғлиқ магний иони яна бир ҳаётий муҳим элемент ҳисобланади. Олинган натижалар таҳлили унинг қондаги миқдорини пасайишини, айниқса касалликнинг кўшилиб келган шаклида соғлом шахслардагига нисба-

тан ўрта ҳисобда 12-14% га пасайишини кўрсатди. Гипомагнезиемиянинг камроқ юзага чиққан ҳолати паратиреоид гормонсекрециясини фаоллаштириши мумкин. Гипокальциемияни D витамини билан даволашнинг самарасизлиги қатор ҳолларда айни шу гипомагнезиемияга боғлиқлигини кўрсатиб ўтиш лозим [3,9,12].

Маълумки, ишқорий фосфатаза пирофосфат гидролизини амалга оширади, у минералланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади, яъни мазкур шароитда фермент кальцийланиш жараёнининг бошқарувчиси ҳисобланиб, суяк матрикси остеоиди шаклланишида ва минералланишида қатнашади.

Тақдим қилинаётган текшириш натижаларидан кўриниб турибдики, текширилаётган ОА ли шахсларда, ишқорий фосфатаза фаоллиги ишонарли ошади ва тегишлича 270,8±13,0 ЕД/л ва 272,6±11,2 ЕД/л га тенг бўлган, бу дастлабки қийматлардан 2,3 марта юқоридир (P<0,05).Сўнги йилларда субхондрал суякда рўй берадиган ўзгаришлар, эҳтимол, бирламчи ҳисобланади ва тоғай деградациясига олиб келади деган назария пайдо бўлди [5,9].

Бу жараёни изоҳлайдиган гипотезалардан бири субхондрал суякнинг катта миқдордаги яллиғланиш олди цитокинлари ва ўсиш омилларини ишлаб чиқариш хусусиятидан иборат бўлиб, улар юқорида ётган тоғайга кириши (тоғай микроёриқлари ҳосил бўлиши ва кальцификатланган тоғай зонасига томир инвазияси натижасида) ва тоғай тўқимаси деградациясига тортилиши мумкин [2,11].Қатор остеотроп гормонлар (паратиреоид гормон, кальцитонин, соматроп гормон, тиреоид ва жинсий гормонлар) тизимли таъсир кўрсатади, уларнинг секрецияси кальцийнинг қондаги концентрациясининг турлича йўналтирилган ўзгаришлари билан асоциланади.

Кальций ва фосфор организмнинг қатор энг муҳим биокимёвий функцияларида қатнашади. Организм томонидан таянч ва ҳаракат функциясини амалга ошириш учун экзоскелет ёки эндоскелет кўринишидаги қувватлаш талаб этилади. Организмнинг эҳтиёжлари икки томонлама, бир томондан, кальций – фосфор минерал фондида (заҳирада), иккинчидан, таянч функцияси негизи оксапатит бўлиб хизмат қиладиган эндоскелет ривожланиши ҳисобига қондирилган эди.

Биобарин, суяк касалликлари кўпинча кальций ва фосфор гомеостази бузилишлари суяк ҳисобига қопланган шароитда вужудга келади.

Маълумки, кальцийланиш жараёнига хужайра маҳсулоти – хужайрадан ташқари матрикс везикулалари жалб этилган. Везикулалар юқори концентрацияларда ишқорий фосфатаза сақлайди. Везикулалар хужайрадан ташқари бўшлиққа тушгач кальций ва фосфорни аккумуляция қила бошлайди. Кальций ютилиши эҳтимол, протеогликанлар билан боғланишини ўз ичига олади, ваҳоланки фосфор ишқорий фосфатазанинг пирофосфатларга таъсири ҳисобига аккумуляцияланади. Шундан кейин везикулалар ичида кетма-кетлик модификациясида оксапатитга айланадиган аморф фосфаткальций ҳосил бўла бошлайди. Оксапатит пролиферацияси учун ўзига хос манба ҳисобланган комплекс ҳосил бўлиши марказий рол ўйнайди.

ОАда остеопеник ҳолатларни аниқлашда СТМЗ бузилишларини кўрсатувчи маркерлар ҳолатини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Суяк тўқимаси метаболизми иккита қарама-қарши жараёнлар: янги суяк тўқимаси ҳосил бўлиши ва эски тўқиманинг резорбцияси (деградацияси) билан тавсифланади. Меъёрда янги ҳосил бўлган тўқима миқдори емирилганига тенг бўлади. Суяк тўқимаси резорбциясини белгиладиган кўрсаткичлардан бири қон плазмасининг ишқорий фосфатазаси билан бирга 1-типтаги коллаген деградацияси маҳсулоти – I типдаги коллаген C-телопептиди (CrossLaps), суяк тўқимасининг шаклланиш маркерларива суяк матриксининг шаклланиш маркери – I тип проколлагеннинг умумий аминок-термал пропептиди (PINP) ҳисобланади.

Остеокальцин (gla-protein) – ноколлаген оқсил, суяк массаси ва дентин учун специфик саналади. Остеокальцин асосидан остеобластлардан синтез қилинади ва суякнинг хужайрадан ташқари матрикси шаклланишига масъулдир. Зардоб остеокальцини даражаси суяк скелети ўсиши билан боғлиқдир ва унинг миқдори жадаллик билан суяк ҳосил бўлиш даврида кўпаяди[1,5,12].

2-жадвал

ОАли беморларда СТМЗ маркерлари кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Соғлом	ОА
Остеокальцин (нг/мл)	18,2±2,8	13,9±0,33
В- Cross Labs (нг/мл)	0,22±0,03	0,42±0,02*
Р-ТН (пг/мл)	34,1±2,3	26,3±2,24*

Изоҳ: * - $P < 0,05$ соғлом гуруҳ билан фарқларнинг ишонарлиги

Тадқиқотларимизда остеопениянинг махсус маркерлари ҳолатини ўрганиш ушбу кўрсаткичларнинг алоҳида динамикага эга эканлигини кўрсатди. Суяк тўқимаси синтезини кўрсаткичи - остеокальцин ОА да соғлом гуруҳга нисбатан 1,42 марта пасайганини кўришимиз мумкин.

Суяк тўқимаси резорбциясини кўрсаткичи – В-Cross Labs ОАда 1,9 мартага ортиб, ўртача 0,42±0,02 нг/мл га тенг бўлган бўлса натижа қайд этилиб, соғлом кишилар кўрсаткичларига нисбатан 2,14 марта юқори демақдир ($P < 0,05$). Худди шундай ўзгаришлар динамикаси РНТ кўрсаткичларида ҳам намоён бўлиб, унда ОА билан касалланган беморларда унинг миқдори ўртача 26,3±2,24 пг/мл натижа кузатилган ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли тарзда мос равишда 22,9 % га паст демақдир ($P < 0,05$).

ОА билан оғриган беморларда ўтказилган денцитометрик кўрсаткичлар (Z-критерия) билан суяк минерализация маркери остеокальцин билан манфий коррелятив боғланиши ($r = -0,39$), ҳамда остеокальцинни ИФ билан мусбат коррелятив боғлиқлиги аниқланди ($r = +0,62$).

Суяк резорбцияси кўрсаткичи бўлган оксипролиннинг сийдикдаги суткалик миқдори текширилганда ОА билан касалланган беморларда унинг миқдори ўртача 22,4±0,28 га тенг бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,45 марта юқори кўрсаткич демақдир ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, СТМЗ маркерларининг кўрсаткичларини аниқлаш ревматик касалликларда муҳим ташхисий аҳамият касб этди. СТМЗ кўрсаткичларининг бузилиши барча маркерлар ҳолатида акс этди. Ушбу маълумотлардан ОА да СТМЗ маркерлари кўрсаткичларининг турли хил даражадаги бузилишлари остеоидиоффик жараёнларни тезлаштириб суяк резорбциясига олиб келади.

Юқорида қайд этилган маълумотлар остеоартритда қон минерал таркиби, фермент фаоллиги миқдоридаги аниқланган ўзгаришлар динамикаси бир типдаги табиатга эга ва фақат гормонал статус, D витамини алмашинуви бузилишига эмас, балки суяк шаклланиши ва емирилиши (резорбция) жараёнига таъсир қиладиган кўпгина метаболик жараёнларга ҳам боғлиқдир.

ОАда биз қонда кальций миқдори пасайишини кузатдик, у касаллик жигар функционал ҳолатининг бузилиши билан бирга учраганда бирмунча яққол бўлди. Текшириладиган шахсларда қонда фосфор ва магний миқдорини ўрганишда ўхшаш динамика кузатилди. Бу ҳам фақат D витамини етишмаслигига эмас, балки жигарнинг сурункали касаллигига боғлиқ бўлди.

ОА бўлган текшириладиган шахсларда ишқорий фосфатаза фаоллиги жигарнинг сурункали касаллиги билан бирга учраганда 2,3 баравар ишонарли ошган.

Везикулалар хужайрадан ташқарига тушиб, кальций ва фосфорни аккумуляция қила бошлайди. Кальций сингиши эҳтимол уни нордон фосфолипид ва протеогликанлар билан боғлашни ўз ичига олади, бунда ИФ (ишқорий фосфатазанинг пирофосфатга

таъсири ҳисобига аккумуляцияланади. Шундан сўнг везикулалар ичида кема-кет оксиапатитга модификацияга учрайдиган аморф фосфат кальций ҳосил бўла бошлайди.

ОА ли беморларда қон минерал таркибидаги ўзгаришлар, фермент фаоллигининг аниқланган динамикаси бир типдаги табиатга эга ва фақат қон таркибидаги кальций-фосфор ўзгаришлари, гормонал статуснинг бузилиши, D витамини алмашинуви билан эмас, балки шунингдек остеопеник бузилишларда суяк шаклланиши ва резорбцияси жараёнига таъсир қиладиган, кўпгина метаболик жараёнлар рўй берадиган жигарнинг функционал ҳолати билан ҳам боғлиқ.

ОА патогенези тўғрисида маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ушбу сурункали авж олиб борадиган бўғимлар касаллигини даволаш қуйидагилар билан чегараланиши мумкин: оғриқ ва яллиғланишни камайтириш, кўзишлар сонини ва янги бўғимлар шикастланишини пасайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ОА авж олишини секинлаштириш ва ногиронликнинг олдини олиш. ОАни патогенетик даволаш шунингдек, гиалинли тоғай нормал структурасини тиклаш, тўла қимматли гликозаминогликанлар ва II типдаги хондроцитлар коллагени синтезини фаоллаштириш йўли билан катаболик жараёнларни тўхтатиш ва суяк тўқимаси минерал таркибини яхшилашдан иборат.

Хулоса

ОА беморларда минерал алмашинувидаги кўрсаткичларда аниқланган бузилишлар полиорган бузилишларнинг потенциал хавфи пайдо бўлишидан далолат беради, бу шубҳасиз касалликнинг янада авж олишига имкон берадиган патогенетик механизмлардан бири ҳисобланади. Бу ҳол ОА ли беморларда алмашинув бузилишларининг доимий мониторингини ўтказишни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Алексеева Л.И. Современные представления о диагностике и лечении остеоартроза // Рус.мед.журн.-2000.-Т.8, №9.-С.377-382.
2. Алексеева Л.И., Таскина Е.А., Кашеварова Н.Г. Остеоартроз: эпидемиология, классификация, факторы риска и развития, клиника, диагностика, лечение. Современная ревматология. -2019.-№ 13(2).-С.9-21.
3. Казюлин А.Н. Витамин D. / М.- ГОУ НТЦ АМТ.-2007.-106с.
4. Кашеварова Н.Г., Таскина Е.А., Алексеева Л.И. Прогрессирование остеоартрита коленных суставов и минеральная плотность кости осевого скелета. остеопороз и остеопатии. -2020.-№23(2).-66с.
5. Кишкун А.А. Руководство по лабораторным методам диагностики. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2007. – 800 с.
6. Клинические рекомендации «Остеоартроз». Москва:

Общероссийская общественная организация «Ассоциация ревматологов России». 2016.

7. Кораблева Н. Н. Комплексное лечение и реабилитация больных с дегенеративными заболеваниями суставов. Взгляд реабилитолога // Поликлиника. -2014.-№. 2(1).-С.38-41.

8. Лесняк О.М., Пухтинская П.С. Школа здоровья. Остеоартрит. Инструкция для врачей - М: ГЭОТАР-Медиа, 2008. - 104 с.

9. Лесняк О.М. Остеоартрит. Диагностика и ведение больных остеоартритом коленных и тазобедренных суставов. Клинические рекомендации. М., 2006. -176 с.

10. Лила А. М. Диагностика остеоартроза, современные аспекты лечения, Российский медицинский журнал // ВС. 2007.-№.15(4).- С.3-6.

11. Лила А.М., Алексеева Л.И., Тельшев К.А. и др. Эффективность комбинированного препарата хондроитинсульфата и глюкозамина гидрохлорида при лечении остеоартроза коленных и тазобедренных суставов: промежуточные результаты российского наблюдательного исследования. Современная ревматология. -2020.-№.14(3).- С.71-8.

12. Королева С.В. и др. Остеоартрит. Этиология и патогенез. Диагностика и лечение: учебник.Иваново.- 2005. -96 с.

ОСТЕОАРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА ФОСФОР-КАЛЬЦИЙ АЛМАШИНУВИ ВА СУЯК ТЎҚИМАСИ МЕТАБОЛИЗМИ БИОХИМИК МАРКЕРЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Алиахунова М.Ю.

Мақсад: остеоартрит бўлган беморларда минерал алмашинувининг баъзи бир кўрсаткичлари ҳолатини ўрганиш. **Материал ва усуллар:** остеоартрит ташхиси РМФА Ревматология институти номенклатураси ва таснифи (1989) ва остеоартроз таснифий мезонлари асосларида аниқланган. **Намуналар:** остеоартритли беморларда қон минерал таркибидаги ўзгаришлар, фермент фаоллигининг аниқланган динамикаси бир типдаги табиатга эга ва фақат қон таркибидаги кальций-фосфор ўзгаришлари, гормонал статуснинг бузилиши, D витамини алмашинуви билан эмас, остеопеник бузилишларда суяк шаклланиши ва резорбцияси жараёнига таъсир қиладиган, кўпгина метаболик жараёнлар рўй берадиган жигарнинг функционал ҳолати билан ҳам боғлиқ.

Хулоса: остеоартритли беморларда минерал алмашинувидаги кўрсаткичларда аниқланган бузилишлар полиорган бузилишларнинг потенциал хавфи пайдо бўлишидан далолат беради, бу шубҳасиз касалликнинг янада авж олишига имкон берадиган патогенетик механизмлардан бири ҳисобланади. Бу ҳол остеоартритли беморларда алмашинув бузилишларининг доимий мониторингини ўтказишни талаб қилади.

Калит сўзлар: остеоартрит, кальций, фосфор, остеопения, минераллар алмашуви.

ОСТЕОАРТРИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОЛЛАРДА ЖИГАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Алиахунова М.Ю.

ФУНКЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ПЕЧЕНИ У БОЛЬНЫХ ОСТЕОАРТРИТОМ

Алиахунова М.Ю.

FEATURES OF THE FUNCTIONAL STATE OF THE LIVER IN PATIENTS WITH OSTEOARTHRITIS

Aliakhunova M.Y.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази

Цель: оценка эффективности фототерапии и кальция D3 в лечении больных остеоартрозом на основании показателей функционального состояния печени. **Материал и методы:** АЛТ, АСТ, билирубин в крови, функции печени. С помощью УЗИ оценивали состояние печени и желчного пузыря, определяли уровень тромбоспадина-5 (белок олигомерного матрикса), фибронектина, гиалуроновой кислоты и 25-гидрокси-холекальциферола. **Результаты:** большое количество сопутствующих заболеваний ГПБТ (53,4%) у больных остеоартрозом обусловлено не только увеличением уровня цитолитических ферментов печени, но и антиадгезивного белка – тромбоспадина-5, а также потреблением адгезивного белка фибронектина, α 1-антитрипсина, с быстрым синтезом и секрецией макроглобулина и С-реактивного белка. Данные ретроспективного анализа, отсутствие лабораторных исследований, описывающих функциональное состояние различных систем печени, не позволяют определить риск развития заболеваний ГПБТ. **Выводы:** у больных остеоартрозом соотношение между адгезивным и антиадгезивным белком межклеточного матрикса в крови, синтез антипротеаз в печени ослаблен из-за быстрого разрушения ткани, что сопровождается синтезом и секрецией С-реактивного белка.

Ключевые слова: остеоартрит, тромбоспадин-5, фибронектин, С-реактивный белок, фототерапия.

Objective: To evaluate the effectiveness of phototherapy and calcium D3 in the treatment of patients with osteoarthritis based on indicators of the functional state of the liver. **Materials and methods:** ALT, AST, bilirubin in the blood, liver functions. Using ultrasound, the condition of the liver and gallbladder was assessed, the level of thrombospadin-5 (oligomeric matrix protein), fibronectin, hyaluronic acid and 25-hydroxycholecalciferol was determined. **Results:** A large number of concomitant diseases of PHBT (53.4%) in patients with osteoarthritis is due not only to an increase in the level of cytolytic enzymes of the liver, but also the anti-adhesive protein - thrombospadin-5, as well as the consumption of the adhesive protein fibronectin, α 1-antitrypsin, with rapid synthesis and secretion macroglobulin and C-reactive protein. Retrospective analysis data and the lack of laboratory studies describing the functional state of various liver systems do not allow us to determine the risk of developing PHBT diseases. **Conclusions:** In patients with osteoarthritis, the ratio between the adhesive and antiadhesive protein of the intercellular matrix in the blood, the synthesis of antiproteases in the liver is weakened due to the rapid destruction of tissue, which is accompanied by the synthesis and secretion of C-reactive protein.

Keywords: osteoarthritis, thrombospadin-5, fibronectin, CRP, phototherapy.

Остеоартрит(ОА) нинг муҳим хусусияти кўшма касалликлар муаммоси бўлиб, унинг даражаси ОАда бошқа ревматик касалликларга қараганда анча юқори. ОА билан оғриган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқишда коморбидлик омилини ҳисобга олиш керак, чунки бу касаллик жиддий касалликлар хавфини оширади, масалан, ошқозон-ичак трактининг шикастланиши, тромб ҳосил бўлиш тенденцияси, юрак томирлари касаллиги, диафрагма чурраси ва бошқалар[1]. Бундан ташқари, коморбидлик ОА ва сурнкали оғриқни ривожланиш хавфини оширади ОА – дегенератив жараён сифатида анъанавий аниқланади ва вақти-вақтида яллиғланиш касаллигига хос хусусиятларни эгаллайди. Бунинг учун оқсиллар ишланиши мониторинги энг қулай ҳисобланади, улар асосан жигар гепатоцитлари томонидан синтез қилинади. Сўнгги ҳол суяк-тоғай тизими касалликларида жигар функционал ҳолатини ўрганишнинг катта аҳамияти борлигини кўрсатади [1,10].

Тадқиқот мақсади

Остеоартритли беморларни даволашда жигарнинг функционал ҳолати кўрсаткичларига асосланиб фототерапия ва кальций D3 самарадорлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар


Жигар функцияларини қонда АЛТ, АСТ, билирубин жигар ва ўт пуфагини ультратовушли ташхислаш асосида ўрганилди. Тромбоспондин – 5 (олигомер матриксли тоғай оқсили), фибронектин, гиалурон кислота ва 25-гидрокси-холекальциферол миқдорини ИФА усулида “Россия” “БиохимМак” компанияси етказиб берадиган “BCM Diagnostic”, “IDS” ва “BioVendor” компаниясининг тижорат йиғмаларидан фойдаланилган х белгили холда аниқланди. Нусхаларнинг оптик зичлиги 450 нм тўлқин узунлигида планшет ридери ёрдамида баҳоланди.

Беморларни текшириш учун қон эрталаб, наҳорга олинди, консервант сифатида 3,8% натрий ци-

трат эритмасидан фойдаланилди. Қон плазмасида С – реактив оқсил, альфа - 1 – антитрипсин, альфа -2 – макроглобулин, альфа-1–нордон гликопротеин, кальций магний ва фосфор ва суяк шаклланишининг биокимёвий маркери – ишқорий фосфатаза “HUMALUZER 2000 HUMAN” (Германия) биохимик анализаторида, «PLIVA- Lachema» фирмаси “Био-Ла-Тест”и ва “HUMAN” фирмасининг умумий қабул қилинган методикалари бўйича аниқланди. Қон зардобидаги остеокальцин “ELESIS – 2010”, “ROCHE” иммуно-хемилюминесцент анализи усули билан аниқладик. P – TN, B – CROSS LAPS ва I типдаги (PINP) умумий аминок-термал проколлаген пропептидини аниқлашни ўтказдик.

Адабиёт маълумотларига кўра жигарнинг сункали касалликларида жигарда кортизол мета-

болизмининг бузилишининг аҳамияти борлиги ва ДЗ витамини етишмовчилигига боғлиқ бўлган кальций танқислиги пайдо бўлиш имконияти борлиги ва сўрилмаган ёғ кислоталари билан кальцийнинг қисман боғланиши натижасида текширилган беморларда жигар ва ўт чиқариш йўллариининг ультратовуш текшируви усулида тадқиқ қилинди. Гепатобилиар тизимни ультратовуш билан текшириш маълумотлари бўйича текширилган 53,4±5,3% беморларда жигарда ва ўт чиқарув йўлларида ўзгариш аниқланди. Жигардаги маҳаллий ўзгариш– 3,5±2,0% (p>0,02) ва ўт чиқариш йўлларида – 14,0±3,7% ишонarli кам учратилди (p>0,05) [1,2]. Жигар ва ўт чиқарув йўллари ҳолатини гуруҳлар бўйича таҳлил қилишга қарор қилинди.



1-расм. Остеоартритли текширилган беморларда касалликнинг давомлилигига боғлиқ ҳолда гепатобилиар тизим шикастланишини аниқлаш таҳлили (%).

Натижалар ва муҳокама

Расмдан кўриниб турганидек, текширилган беморларнинг ҳамма гуруҳларида гепатобилиар тизим шикастланиши аниқланди, беморларнинг 3 гуруҳида гепатобилиар тизим касаллиги 1 ва 2 гуруҳдагиларга нисбатан кўпроқ учради, бироқ ишонarli фарқларга эга бўлмади (p>0,05).

АЛТ ва АСТнинг ўртача кўрсаткичлари ҳамма текширилган гуруҳларда нормага нисбатан юқори бўлди. Ваҳоланки қондаги ўртача билирубин миқдори нормадан ортмади (1-жадвал).

Маълумки, организмда, хусусан ОА да яллиғланиш жараёнининг маркери ўткир яллиғланиш фазасининг оқсил – жигарда синтез қилинадиган С – реактив оқсил ҳисобланади.

1-жадвал

Остеоартрозли текширилган беморларда жигар ва ўт йўллари шикастланишининг биокимёвий кўрсаткичлари

№	Биокимёвий кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n=27)	2 гуруҳ (n=28)	P1	3 гуруҳ (n=18)	P1	P2
1	АЛТ	1,0±	1,1±	>0,05	1,2±	>0,05	>0,05
2	АСТ	0,5±	0,6±	>0,05	0,7±	>0,05	>0,05
3	Умумий билирубин	18,0±	15,7±	>0,05	17,9±	>0,05	>0,05

Изоҳ: * P₁ – 1 гуруҳ маълумотларига нисбатан ишонarli; P₂ – 2 гуруҳ маълумотларига нисбатан. Текширилган беморларнинг ярмидан кўпроғида жигар ва ўт чиқариш йўлларида ўзгаришлар аниқланганлигини назарда тутиб, бизнинг фикримизча, ГБТ касалликларини эрта аниқлашга ва даволашга катта аҳамият бериш зарур.

Остеоартритли беморлар қонида оқсил таркибининг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Соғлом шахслар, n=20	ОАли беморлар, n=38
С-реактив оқсил, г/л	0,011±0,001	0,09±0,004*
Фибриноектин, мкг/мл	311,0±11,2	154,2±10,3*
Тромбоспадин-5, мкг/мл	244,3±10,8	366,1±15,3*
Альфа-1-антитрипсин, г/л	1,44±0,08	0,64±0,05*
Альфа-2-макроглобулин, г/л	1,46±0,12	0,88±0,07*

Изоҳ: * - фарқлар ишонарлиги $P < 0,05$

Текшириш натижаларидан кўриниб турганидек (2-жадвал) қон зардобиди С-реактив оқсил миқдори остеоартритли бўлган беморларда ишонарли ошади ва ўрта ҳисобда $0,09 \pm 0,004$ г/л қийматларни ташкил қилади (нормада $0,011 \pm 0,001$ г/л), бу дастлабки қийматлардан 8,8 баравар ошган. С-реактив оқсил синтези ва секрецияси асосан жигарда рўй беради ва яллиғланиш олди цитокинлари (ИЛ-6, ИЛ-1 ва ФНО α) билан бошқарилади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, яллиғланиш касалликларида С-реактив оқсил концентрациясининг кўпайиши клиренс бузилишидан эмас, балки фақат унинг фаолланиши билан боғлиқлиги туфайли бўлади. У ИЛ-6 синтезини билвосита акс эттиради, бундан ташқари, қонда С-реактив оқсилнинг юқори қийматларини яллиғланиш жараёнининг авж олиши ва натижаларини, хусусан остеоартритда – тоғай деструкциясини прогноз қилишга имкон беради [6,8]. Жигар гепатоцитлари ва синусоидал хужайралар шикастланишининг аниқ механизми тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, ФНО ИЛ-6 билан биргаликда тўғридан-тўғри гепатотоксик таъсир кўрсатиши аниқланган. Айни вақтда ИЛ-6 даражасининг ишонарли ошиши суяк тўқимаси резорбциясининг кучайиши билан учрайди.

Маълумки, ОА асосида бўғим тоғайининг ўзгариши ва емирилиши, кейин остидаги суяк тўқимасининг ўсиб қалинлашиши ётади. Олигомер матрикс оқсил – тромбоспадин - 5 хужайрадан ташқари антиадгезив оқсил ҳисобланади, яъни хужайрадан ташқари бўғим тоғайи матриксида иштирок қилади ва кальцийни боғлашда, шунингдек, D витаминини сақлашда ва етказиб беришда қатнашади [1,9]. Олинган маълумотлар таҳлили ОА бўлган беморларда тромбоспондин – 5 даражасининг ошишга мойиллиги бор ва $366,1 \pm 15,3$ мкг/мл га тенг эди (нормада $244,3 \pm 10,8$ мкг/мл), бу дастлабки қийматдан 1,5 марта юқори. Агар тромбоспондин яллиғланиш касалликларида шикастланишга хужайра жавоби ривожланишида муҳим рол ўйнаши ҳисобга олинса ва бунда у фибриноектин, протеогликан, шунингдек, кальций ионлари билан ўзаро таъсирга киришади. Агар тромбоспондин хужайранинг антиадгезив оқсил ҳисобланса, бу ҳолда фибронектин – хужайра-аро матрикснинг адгезив оқсил саналади. Эрувчан фибронектин гепатоцитлар билан синтезланади, ваҳолонки эримайдиган фибронектин фибробластлар, эндотелиоцитлар ва эпителиал хужайралар билан синтезланади [7,8].

Текшириш натижалари кўрсатишича (2-жадвал), қон зардобиди фибронектин миқдори ўзига хос табиатга эга. Агар антиадгезив оқсил – тромбоспондин ОА да ошишга мойиллиги бўлгани ҳолда фибронектин – адгезив оқсилда пасайишга мойиллик бўлади. Шу тариқа ОА беморларда фибронектин даражаси $154,2 \pm 10,3$ мкг/мл га тенг эди (нормада $311,0 \pm 11,2$ мкг/мл), бу - дастлабки қийматлардан ўрта ҳисобда 2 марта паст. Хужайраларо матрикс-ли оқсил ўртасидаги бундай тескари боғланиш, эҳтимол, сурункали яллиғланиш жараёни билан боғлиқ. Мазкур шароитда фибронектиннинг қайси шакли эрувчан ёки эримайдиган, гидрофоб ёки гидрофил шаклими – буни аниқлаш жуда қийин бўлиб, ўзига хос динамикага эга. Оқсилларнинг гидрофоб ва гидрофил фракцияси синовиал суюқликнинг физик-кимёвий хоссаларига, айниқса патологик ҳолатларда турлича таъсир қилишини назарда тутиш лозим [3,6].

ОА бўлган беморларда қоннинг пептидлар, олигопептидлар, жигар гепатоцитлари синтез қиладиган реактив оқсиллардан бузилиши серин антипротеазалар даражасининг компенсатор ошишига олиб келади, альфа-1-антитрипсин; альфа-2-макроглобулин шулар қаторига киради.

Чунончи, соғлом шахсларда альфа-1-антитрипсин миқдори $1,44 \pm 0,08$ г/л га тенг бўлган, ваҳолонки беморларда у $0,64 \pm 0,05$ г/л, бу дастлабки қийматлардан 2,3 марта пасайган. Серин антипротеаза альфа-2-макроглобулин хусусида ўхшаш динамика кузатилди, бу ўринда унинг қиймати соғлом шахслар билан таққослашда 1,6 марта пасайди ва $0,88 \pm 0,07$ г/л ни ташкил қилди (назорат гуруҳида $1,46 \pm 0,12$ г/л).

Лизосомал ферментлар ҳисобига сурункали яллиғланиш касалликларида қон протеаз фаоллигининг юқорилиги, эҳтимол, қон антипротеазлари, хусусан альфа-1-антитрипсин ва альфа-2-макроглобулин истеъмоли ва тугашининг сабабларидан бири ҳисобланади. ОА сурункали шаклида ионлар синтетик функциясининг пасайиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Яллиғланиш медиаторларини синтез қиладиган полиморфядроли нейтрофиллар миқдорининг кўпайиши гиалурон кислота деструкциясининг сабабларидан бири ҳисобланади. Сўнгги ҳол синовиал суюқлик алмашинуви ўзгариши (синовит), ёпишқоқлиги пасайиши, умумий оқсил миқдорининг кўпайиши ва нейтрофиллар пайдо бўлишида юзага чиқишини кўрсатиб ўтиш лозим.

ОА ни даволаш – енгил вазифа эмас, бу мазкур муаммога ягона ёндошув йўқлиги билан изоҳланади. ОА патогенези тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу сурункали авж олиб борадиган бўғимлар касаллигини даволашнинг умумий вазибалари қуйидагилардан иборат: оғриқ ва яллиғланишни камайтириш, қўзишлар сонини ва янги бўғимларнинг шикастланишини пасайтириш. Ҳаёт сифатини яхшилаш, ОА авж олишини секинлаштириш ва ногиронликни олдини олиш [2,5].

ОАни патогенетик даволаш тўлиқ қимматли гликозаминогликанлар синтезини ва II типдаги коллагенни хондроцитлар билан фаоллаштириш йўли билан гиалин тоғайи нормал структурасини тиклашдан иборат. Катаболик жараёнларни тўхташиш ва суяк тўқимасининг минерал таркибини яхшилаш [4].

Ўз-ўзидан маълумки, терапиянинг асосий вазибаларини дори препаратларидан давомли комплекс фойдаланилган тақдирдагина ҳал қилиш мумкин. Улар ОА патогенетик ҳалқаларига таъсир қилиши керак, бунда ОАдан азият чекаётган беморларнинг ёшини, ушбу беморлардаги йўлдош касалликлар, асосан жигар, буйрак ва бошқа касалликлар борлигини эътибордан чиқармаслик зарур. Ёш улғайган сайин жигар массаси камайишини назарда тутиш керак. Қон оқими секинлашади, буйраклар коптокчаларида фильтрация тезлиги пасаяди.

Бизнинг текширишимизда асосий гуруҳни Келлгрэн бўйича II- III R-босқичдаги асосан бўғим шикастланиши бўлган ОА ташхиси аниқланган 40 ёшдан ошган аёллар ташкил қилди.

ОА ни даволашда биз кальций D3 препарати ва текшириладиган шахсларда тери қопламани УБ-нурлантириш таъсирини алоҳида қиёсий текшириш ва бу омилларни мунтазам қўлланишни амалга оширдик.

Ҳамма беморлар даволашни яхши кўтардилар [1,2].

ОА бўлган беморлар клиник-рентгенологик таснифига биноан III босқичга бўлинди: касалликнинг I-босқичи 27(37,3%), II-босқичи – 31 беморларда (41,8%), III-босқичи–15 беморларда (20,9%) бўлди.

ОА ли беморларда кальций D3 препаратидан (20 киши) фойдаланиб ўтказилган клиник кузатувлар касалликнинг асосий кўринишлари – оғриқ, бўғимларда ҳаракатлар чекланиши камайишини кўрсатди ва бу жараён даволаш курси охирида ортиб борди. Таъсир қилиш курсларидан сўнг бўғимлардаги оғриқ касалликнинг I-босқичида 5 та беморларда (25,5%) ва II- босқичида 2 беморда (9,3%) тўла-тўқис йўқолди. Касалликнинг I-босқичи бўлган 3 беморда (16,3%), II-босқичи бўлган 5 беморларда (23,3%) ва III- босқичи бўлган 1 беморда (7%) оғриқ тинч турганида камайди ва жисмоний юкламада пайдо бўла бошлади. Касалликнинг II ва III-босқичлари бўлган 4 беморларда (18,6%) оғриқ синдроми динамикаси аниқланмади. Бўғимлардаги чекланганлик 14 беморларда (72,1%), таянч-ҳаракат аппаратининг яхшиланиши 15 беморларда (74,4%) кузатилди.

Кўрсатиб ўтилган даволаш комплекси таъсири остида 10 беморлардан 8 тасида иккиламчи синовит белгилари йўқолди, пальпацияда, зинапоядан тушишда ва кўтарилишда оғриқ камайиши, бўғимлар дефигурациясининг камайиши, СОЭ нинг соати-га 12-15мм гача пасайиши ана шундан далолат беради.

Key words: granulomatous polyangiitis, Birmingham Vasculitis Activity Score, Vasculitis Damage Index.

Жаҳонда сўнгги йилларда тизимли васкулитлар билан оғриган беморларда келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфи ошишининг олдини олишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда [1]. ПАГ оқибати нохуш ҳисобланиб, кеч ташҳис қўйилганда беморлар биринчи йил давомида ўпка-юрак ва буйрак етишмовчилигидан, ҳамда инфекция қўшилишидан вафот этадилар [2-5]. Тизимли васкулитнинг фаоллик даражаси ва оқибатларини баҳолаш учун мақсадли равишда ишлаб чиқилган BVAS ва VDI индексларини кундалик амалиётда кенг қўлланилмаётганлиги касалликнинг клиник фаоллигини баҳолаш имкониятларини чега-ралаб қўяди [6]. Шу муносабат билан касалликнинг прогнозини баҳолаш учун улардан фойдаланиш имконияти масаласи долзарб саналади [7-11].

Тадқиқот мақсади

Полиангиитли гранулематознинг фаоллиги ва зарарланиш кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли

клиникасининг ревматология, кардиоревматология бўлимларида стационар шароитда даволанган ва артрологик ИАДК бўлимида амбулатор шароитда кузатилиб даволанган 60 нафар ПАГ полиангиитли гранулематоз билан оғриган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардоби, рентгенологик ва ультратовуш текшириш усуллари, ҳамда касаллик фаоллиги (BVAS) даражасини аниқлаш ва васкулитнинг шикастланиш индексини (VDI) аниқлаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник сўровнома, лаборатор таҳлиллар, BVAS ва VDI кўрсаткичлари ва статистик усуллардан фойдаланилган.

BVAS индекси (Birmingham Vasculitis Activity Score) (1-жадвал) тизимли васкулитлар, шу жумладан ПАГ фаоллигини клиник баҳолаш учун ишлатилади. BVAS 3-9 та аъзо ва тизимларнинг шикастланишини 56 та клиник, инструментал ва лаборатория кўрсаткичларга мувофиқ баҳолашга имкон беради [12].

Ҳар бир симптом маълум бир балл билан баҳоланади, сўнгра барча балларнинг йиғиндиси ҳисобланади (максимал балларнинг сони 63). Симптом

фақат васкулитнинг фаоллиги билан боғлиқ бўлса ва олдинги 3 ой давомида ривожланган ёки ёмонлашган бўлса баҳоланади. ПАГ ремиссияси BVAS қиймати 0 га тенг, актив васкулит - BVAS қиймати

> 1 (қўпроқ > 3 балл)га тўғри келади. Ушбу индекс нафақат тизимли васкулитнинг фаоллиги ва кечиш даражасини баҳолайди, балки касалликнинг прогнозини баҳолашга имкон беради [13].

1-жадвал

Тизимли васкулитлар клиник фаоллигини Бирмингем индекси

Тизимли зараарланиш белгилари:	Балл	Ўпка:	Балл
1. Миалгия/ артралгия/ артрит	1	1. Хансираш/ астма	2
2. Иситма (<38.5°C)	1	2. Тугунлар ёки фиброз	2
3. Иситма (>38.5°C)	2	3. Инфилтрат	4
4. Озиш (<2 кг)	2	4. Қон туфлаш	4
5. Озиш (>2 кг)	3	5. Плеврада суюқлик/ плеврит	4
Тери қопламалари:		6. Ўпкадан қон кетиш	6
1. Пурпура/ бошқа тери васкулити	2	Юрак-қон томир тизими:	
2. Яралар	4	1. Шовқинлар	2
3. Гангрена	6	2. Пулс йўқлиги	4
4. Бармоқлар гангреналари	6	3. Аортал етишмовчилик	4
ЛОР- аъзолари:		4. Перикардит	4
1. Бурундан ажралмалар/наф.олиш қийин	2	5. Ўткир миокард инфаркти	6
2. Синусит	2	6. ҚАЕ/ кардиомиопатия	6
3. Бурундан қон кетиш	4	Ошқозон - ичак тизими:	
4. Бурунда қонли қобиклар	4	1. Қоринда оғриқ	3
5. Қулоқдаги ажралмалар	4	2. Қонли диарея	6
6. Ўрта отит	4	3. Ичаклар инфаркти	9
7. Карлик	6	4.Панкреатит/ўт қопи перфорацияси	9
8. Овоз бўғилиши/ ларингит	2	Буйраклар:	
9. Хиқилдоқ торайиши	6	1. Диастолик АҚБ > 90 мм.с.у.	4
Шиллиқ қаватлар/ кўз:		2. Протеинурия (>1г ёки > 0.2 г/с)	4
1. Оғиз бўшлиғда яралар	1	3. Гематурия (>1эр.ёки>0.2эр./мл)	8
2. Жинсий аъзоларда яралар	1	4. Креатинин 125-249 мкмол/л	8
3. Конъюнктивит	1	5. Креатинин 250-499 мкмол/л	10
4. Эписклерит/ склерит	2	6. Креатинин > 500 мкмол/л	12
5.Увеит	6	7. Тез авж олувчи ГН	12
6. Тўр пардада шиши/ геморрагиялар	6	Нервн тизими	
7. Ретро- орбитал гранулема	6	1. Органик ўзгаришлар, деменция	3
		2. Периферик нейропатия	6
		3. Кўп моновит	9
		4. Талвасалар	9
		5. Инсульт	9
		6. Орқа мия зарарланиши	9
		Умумий максимал мумкин бўлган балл:	63

BVAS ни аниқлаштириш бир қатор мунтазам лаборатория ва инструментал тадқиқотларни талаб қилади. ПАГдаги кўрак қафаси рентгенограммаси компьютер томографиясига қараганда камроқ маълумотга эга [15].

Тадқиқотга кўра, ПАГнинг 19 % анъанавий рентген текшируви етарли маълумотга эга бўлмаган, ўпка патологияси фақат мултиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ўтказилгандан кейин ташхисланган. Шунинг таъкидлаш керакки, МСКТ ва магнит-резонанс томография ПАГда нафас олиш аъзоларининг шикастланиши фаолиятини баҳолашни стандартлаштиришга имкон бермайди, бу муҳим камчиликдир ва кейинги тадқиқотлар учун йўналиш бўлиши мумкин. Шундай қилиб, юқори нафас йўллариининг фаол зарарланишини визуализация қилиш учун аутологик лейкоцитлар билан

синтиграфияни киритиш қизиқарли натижаларга эришиш мумкин [14].

ПАГнинг клиник фаолиятининг оғирлигига қараб, касалликнинг турли босқичлари ажратилади, ремиссия (тўлиқ ёки қисман) ва авж олиши (енгил ёки оғир), улар 1.4-жадвалда келтирилган. EULAR кўрсатмаларига кўра, кунига $\leq 7,5$ мг дозада преднизолонни қабул қилишда ремиссияда BVAS = 0 га тўғри келади [13].

Рефрактер ПАГ тушунчаси 4 ҳафталик стандарт индукцион терапиядан сўнг фаоллигининг яхшиланмаслиги ёки ортиши ёки 6 ҳафталик даволанишдан кейин BVAS нинг 50% дан кам пасайиши ёки 12 ҳафталик терапиядан сўнг фаолликнинг асосий камида битта катта ёки учта кичик белгилари билан фаолликнинг давом этишини англатади [14] (2-жадвал).

2-жадвал

ПАГ клиник кечишининг босқичлари

Клиник босқичлари	BVAS	Характерли
Тўлиқ ремиссия	0-1 балл	СРО нинг нормал даражаси, клиник фаоллик белгилари ва даволаш зарурати йўқлиги
Қисман ремиссия	50% бошланғичдан камайиши	Даволаш натижасида BVAS нинг бошланғич даражасидан 50% га пасайиши
Енгил авж олиши	< 5 балл	BVAS нинг бешгача ошиши билан касалликнинг клиник белгиларининг пайдо бўлиши
Оғир авж олиши	> 6 баллов	Яллиғланиш жараёнида муҳим аъзоларнинг (ўпка, буйрақлар, юрак) иштирок этиши, бу индукцион даволашни талаб қилади.

Васкулит ва ўтказилаётган иммуносупрессив терапия билан боғлиқ орқага қайтмас зарарланишларнинг оғирлик даражаси VDI (Vasculitis Damage Index) индекси (3-жадвал) ёрдамида баҳоланади [11]. VDI ни баҳолаш турли аъзо тизимларнинг шикастланиши акс эттирувчи 11 блоklarда амалга оширилади (масалан, ўпканинг шикастланиши: ўпка фибрози, парчаланиш бўшлиқлари, нафас етишмовчилигининг ривожланиши) [15]. Агар симптом 3 ой ёки ундан кўпроқ сақланса, у ҳолда у 1 баллда баҳоланади.

VDI қиймати камаймаслигини таъкидлаш муҳимдир. Масалан, агар протеинурия $>0,5$ г/сут 4 ой давомида аниқланса ва кейин тўхтатилса, VDI индексининг қиймати 1 га тенг бўлиб қолади. VDI ни баҳолашда нафақат тизимли васкулит доирасидаги аъзоларнинг шикастланиши, балки иммуносупрессив терапиянинг асоратлари (остеопороз, қандли диабет, катаракта, хавfli ўсмаларнинг ривожланиши ва бошқалар) ёки атеросклерознинг намоён бўлиши (миокард инфаркти) ҳисобга олинади.

3-жадвал

Васкулит зарарланиш индекси VDI (Vasculitis Damage Index)

Белгилари (камида 6 ой давом этади)	Баллар
Кўриш аъзолари (ҳар бир кўз)	
Ҳар қандай катаракта	1
Тўр парданинг ўзгариши ёки кўриш нерви атрофияси	1
Нерв тизими	
Когнитив бузилишлар (хотира ва концентрация пасайиши, ҳисоблаш, гапириш ёки ёзишда қийинчилик, ишлашнинг бузилиши) ёки катта психозлар	1
6 ойдан ортиқ даволанишни талаб қиладиган талвасалар	1
Инсулт (агар >1 бўлса, 2 балл олинг)	1-2
Краниал-мия ёки периферик нейропатия (кўриш бундан мустасно)	1
Кўндаланг миелит	1

Буйрақлар	
Коптокчалар филтрацияси < 50 мл/мин	1
Протеинурия >3,5 г/24 соат	1
Ёки терминал босқичдаги буйрак касаллиги (диализ ёки трансплантациядан қатъий назар)	3
Ўпка	
Ўпка гипертензияси (ўнг қоринчанинг бўртиб чиқиши ёки жарангдор Штон	1
Ўпка фибрози (физикал ёки рентгенологик)	1
Ўпка бужмайиши (рентгенологик)	1
Плеврал фиброз (рентгенологик)	1
Ўпка инфаркти (рентгенологик)	1
Юрак қон-томир тизими	
Стентлаш ёки аорто-коронар шунтлаш	1
Миокард инфаркти (агар > 1 бўлса, 2 балл)	1-2
Кардиомиопатия (қоринчалар дисфункцияси)	1
Клапанлар зарарланиши (дистолк ёки систолик шовқин > 3/6)	1
6 ой давомида перикардит (ёки перикардэктомия)	1
Периферик қон томирлар	
6 ой давомида кўчиб юрувчи оқсоқлик	1
Тўқималарнинг озгина йўқолиши (бармоқнинг «ёстиғи»)	1
Тўқималарнинг сезиларли йўқолиши (бармоқ ёки оёқ-қўл) (2 агар > 1 ўрин)	1-2
Шиш, яра ёки веноз димланиш билан веноз тромбоз	1
Ошқозон-ичак тизими	
Ҳар қандай сабабга кўра инфаркт, ичак резексияси (ўн икки бармоқли ичак остида), талоқ, жигар ёки ўт пуфаги (агар бир нечта жой бўлса, 2 балл)	1-2
Мезентериал етишмовчилик	1
Сурункали перитонит	1
Юқори ошқозон-ичак трактидаги стриктуралар ёки жарроҳлик	1
Суяк-мушак тизими	
Мушак атрофияси ёки холсизлиги	1
Деформацияловчи ёки эрозив артрит	1
Остеопороз синишлар билан (аваскуляр некроз бундан мустасно)	1
Аваскуляр некроз (агар > 1 жой бўлса 2)	1-2
Остеомиелит	1
Тери	
Сурункали чандиқли аллопеция	1
Кенг чандиқланиш ёки панникулит (тукли соҳадан ташқари қисмлар, бармоқ учлари)	1
6 ой ичида терининг яраланиши (тромбоздан ташқари)	1
Жинсий аъзоларнинг зарарланиши	1
Қандли диабет (даволашдан қатъий назар)	1
Малигнизация (дисплазиядан ташқари) (2 агар > 1 жойлашув бўлса)	1-2
Умумий балл (максимал)	47

1997 йилдан бери VDI тизимли васкулитларда орқага қайтмас зарарланишни баҳолаш учун ягона тасдиқланган индекс ҳисобланади [14]. VDI турли хил когорталарда шикастланиш хусусиятларини, зўрайиш ва ўлимни башорат қилувчиларни тавсифлаш учун ишлатилади. Explay et al бошқа васкулитнинг дастлабки босқичларида аллақачон кенг қамровли ўзгаришларни баҳолаш муҳимлигини таъкидлади. VDI ≥ 5 бўлган беморларда, ўлим

хавфи ички аъзоларда орқага қайтмас ўзгаришлар камроқ намоён бўлган беморларга қараганда 7-11 баравар юқори эди [12]. S. Kamali тадқиқотида маълум бўлдики, VDI ≥ 5 бўлиши касалликнинг дастлабки босқичларида ўлим хавфи ривожланиши билан боғлиқ (сезувчанлиги 98%, ўзига хослиги 56%).

Натижалар ва муҳокама

Касалликнинг илк бошланишида BVASнинг фаоллик кўрсаткичлари ва кузатув охирида VDI нинг

шикастланиши барча 60 беморларда ҳисоблаб чиқилган. BVAS индексининг медианаси 18 ни ташкил этди. Кузатув охирига келиб VDI индексининг медианаси 3 ни ташкил этди. BVAS нинг умумий қийматига энг катта ҳисса буйрак шикастланиши (44%) ва ўпка шикастланиши (55%) томонидан қўшилган. VDI индексини ҳисоблашда ўпка (33%) ва буйраклардаги (25%) қайтмас ўзгаришлар унинг қийматига энг катта ҳисса қўшди.

Касалликнинг илк бошланишида BVAS медианаси эркакларда ишончли даражада юқори бўлди ва аёлларга нисбатан 20 баллни ташкил этди - 17 балл. АНЦА турига қараб BVAS ва VDI қийматларида ишончли фарқлар аниқланмади.

Ўпка BVAS индексининг қийматлари ва касалликнинг илк бошланиш ёши, ўпка-буйрак синдроми ва ўпка VDI ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган буйрак BVAS индексларининг қийматлари ўртасида заиф тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди.


Касалликнинг илк бошланишида VDI индексининг умумий қиймати ва беморнинг ёши ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди, ёшга боғлиқ беморларда ёндош патология, хусусан юрак-қон томир патологияси индексининг қиймати-га ҳисса қўшишни истисно қилиш мумкин эмас.

Кузатув охирида ТРГН бўлган беморларда VDI индекси ТРГН бўлмаган беморлар билан солиштирилганда буйракларнинг қайтмас шикастланишининг кучли намоён бўлиши туфайли ишончли равишда юқори бўлди.

BVAS шкаласини қўллаш ёрдамида барча 60та беморларда касалликнинг зўрайиши ёки ремиссиясининг борлиги баҳоланди. BVASнинг ўртача қиймати 2,7 баллни ташкил этди. Минимал қиймат - 0 балл, максимал-18 балл.

25 ёшдан 80 ёшгача бўлган 32 беморларда (11 эркаклар ва 21 аёллар) BVAS шкаласи бўйича 2 ёки ундан ортиқ балл аниқланди, бу касалликнинг зўрайиши деб баҳоланди. Беморлар ушбу гуруҳининг ўртача ёши $50,84 \pm 14,07$ ёшни ташкил этди, ёш бўйича медиана - 51,5 ёш. ПАГ ремиссияси 18 ёшдан 77 ёшгача бўлган 28 беморларда (10 эркаклар ва 77 аёллар) аниқланди. Беморларнинг ушбу гуруҳидаги ўртача ёш $46,71 \pm 17,27$ ни ташкил қилади, ёш бўйича медиана 49,5 ёш. VDI индексининг ўртача қиймати $11,35 \pm 5,06$ ни ташкил этди. ПАГ билан касалланган 46 (76,7%) беморларда АНЦА аниқланди.

ПАГ нинг клиник турига қараб клиник-лаборатор ўзгаришлар ўрганилганда тарқоқ турида васкулитнинг фаоллик индекси (BVAS) ва аъзоларнинг шикастланиш индекси (VDI) маҳаллий турига нисбатан юқорилиги қайд этилди (1-расм).




1-расм.

Беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларини гуруҳлар бўйича солиштира таҳлил қилинганда: касалликнинг тарқоқ турида фаоллик индекслари ва лаборатор кўрсаткичлар (ЭЧТ ва СРО) ишончли равишда юқорилиги аниқланди (2-расм).

Хулоса: ПАГнинг маҳаллий ва тарқоқ турларида таргет даволашда циклофосфамид ва метилпреднизолон билан ўтказилган пульс терапия, касаллик фаоллиги ва BVAS кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади.

Беморларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларини гуруҳлар бўйича солиштирма таҳлили (M±σ)



Изох: * p<0,05- I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли тафовут

2-расм.

Адабиётлар

1. Буланов Н.М., Новиков П.И., Литвинова М.А., Моисеев С.В. Эволюция классификации системных васкулитов: от эпонимов к современным критериям. Терапевтический архив.-2022.- №94(5).-С.704-708. DOI:10.26442/00403660.2022.05.201503

2. Зияева Ф. К. и др. Особенности поражения нервной системы при анкилозирующем спондилоартрите // Терапевтический вестник Узбекистана. – 2023. – С. 102-103.

3. Касимова М. Б., Пулатова Ш. Б. Сочетаемость ревматоидного артрита с другими заболеваниями // Дни ревматологии в Санкт-Петербурге-2018. – 2018. – С. 94-96.

4. Щекина С.А., Балыкова Л.А., Селезнева Н.М. Гранулематоз с полиангиитом. Клиническая медицина.-2020.- №98(5).-С.378-382. doi: http://dx.doi.org/10.30629/0023-2149-2020-98-5-378-382

5. Berdiyeva D.U. Assessment of clinical and diagnostic indicators of Granulematosis with Polyangiitis // British Medical Journal. – 2021.-Vol-1.- №. 2. – P. 238-249.

6. Djurayeva E.R., Normuradov A.D. Importance of coronavirus infection (covid-19) in the development of systemic vasculitis // Advanced performance materials. – 2023. -Vol. 2. -№. 1. – P. 7-12.

7. Guillevin L. The Five-Factor Score revisited: assessment of prognoses of systemic necrotizing vasculitides based on the French Vasculitis Study Group (FVSG) cohort / L. Guillevin [et al.] // Medicine (Baltimore). – 2011. – Vol. 90. – № 1. – P. 19-27.

8. Guillevin L., Pagnoux C., Karras A., et al. Rituximab versus azathioprine for maintenance in ANCA-associated vasculitis. NEJM.-2014.-№71(19).-P.1771-80.

9. Hellmich B. EULAR recommendations for conducting clinical studies and/or clinical trials in systemic vasculitis: focus on anti-neutrophil cytoplasm antibody-associated vasculitis / B. Hellmich [et al.] // Annals of the rheumatic diseases. – 2007. – Vol. 66. – № 5. – P. 605-617.

10. Holle J.U. Prospective long-term follow-up of patients with localised Wegener’s granulomatosis: does it occur as persistent disease stage? vasculitides // Annals of the rheumatic diseases. – 2010. – Vol. 69. – № 11. – P. 1934-1939.

11. Holle J.U., Gross W.L., Latza U., Nölle B., Ambrosch P, Heller M, et al. Improved outcome in 445 patients with Wegener’s granulomatosis in a German vasculitis center over four decades. // Arthritis Rheum 2011. – №63. – P.257-66.

12. Holle J.U. Rituximab for refractory granulomatosis with polyangiitis (Wegener’s granulomatosis): comparison of efficacy in granulomatous versus vasculitic manifestations // Annals of the rheumatic diseases. – 2012. – Vol. 71. – № 3. – P. 327-333.

13. Iannella G. et al. Granulomatosis with polyangiitis and facial palsy: Literature review and insight in the autoimmune pathogenesis. Autoimmun Rev. 2016.-Vol.15.- № 7.- P.621-31, ISSN 1873-0183 (Electronic) 1568-9972 (Linking). Available at: < https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/26851550 >

14. Kitching A.R, Anders H-J, Basu N, et al. ANCA-associated vasculitis. Nat Rev Dis Prim. -2020. -№ 6.-71p.

15. Luqmani R.A. et al. Birmingham Vasculitis Activity Score (BVAS) // QJM. 1994. -Vol. 87. -№ 11. -P. 671-8.

16. Tashpulatova M.M., Nabyeva D.A., Djurayeva E.R., Akhmedova N.A. Diagnostic Significance of 14-3-3 η (Eta) Protein and MRI of Joints in Early Stage of Rheumatoid Arthritis // American Journal of Medicine and Medical Sciences. -2021.-№ 11(3).-P. 165-169.

ПОЛИАНГИИТЛИ ГРАНУЛЕМАТОЗНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА ЗАРАРЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Бердиева Д.У., Бабакулиева Ж.Я.

Мақсад: полиангиитли гранулематознинг фаоллиги ва зарарланиш кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

Материал ва усуллар: гранулематоз полиангиит билан касалланган 60 бемор кузатув остида бўлиб, улар 2018-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ревматология ва кардиоревматология бўлимларида даволанган ва артрология бўлимининг амбулатория поликлиника бўлимида кузатилган ва даволанган. **Натижалар:** барча 60 беморда касалликнинг биринчи бошланишида Бирмингем васкулит фаоллиги шкаласи (BVAS) ва кейинги давр охирида васкулитнинг шикастланиш индекси (ИПВ) бўйича фаоллик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган. Ўртача BVAS индекси 18 эди. Кузатув охирида медиан индекс (VDI) 3 эди. Бўйрак (44%) ва ўпка (55%) лезёнлари BVAS нинг умумий қийматига катта ҳисса қўшди. **Хулоса:** гранулематоз полиангиитнинг маҳаллий ва диффуз турлари ни мақсадли даволашда сиклофосфамид ва метилпреднизолон билан пулс терапияси касаллик фаоллиги ва BVAS кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади.

Калит сўзлар: гранулематоз полиангиит, васкулит фаоллигининг Бирмингем шкаласи, васкулитнинг шикастланиш индекси.

QANDLI DIABETNING 2 TURIDA RIVOJLANGAN SURUNKALI BUYRAK KASALLIGINI ERTA TASHXISLASHDA KLOTHO HAMDA SISTATIN C NI AHAMIYATI

Botirova N.A., Sadikova N.G., Hamrayev X.X.

ЗНАЧЕНИЕ КЛОТО И ЦИСТАТИНА С В РАННЕЙ ДИАГНОСТИКЕ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПОЧЕК ПРИ ДИАБЕТЕ 2-ГО ТИПА

Ботирова Н.А., Садикова Н.Г., Хамраев Х.Х.

SIGNIFICANCE OF CLOTHO AND CYSTATIN C IN EARLY DIAGNOSIS OF CHRONIC KIDNEY DISEASE IN TYPE 2 DIABETES

Botirova N.A., Sadikova N.G., Khamraev X.X.

Toshkent tibbiyot akademiyasi, Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Цель: оценка уровня Клото и цистатина С в ранней диагностике хронической болезни почек, развившейся при сахарном диабете 2-го типа. **Материал и методы:** проанализированы анализы крови 120 больных сахарным диабетом 2-го типа с нормальной или умеренно сниженной функцией почек и 20 больных контрольной группы. **Результаты:** по результатам исследования у больных диабетической нефропатией на ранних стадиях хронической болезни почек уровень Клото был ниже, чем у лиц контрольной группы, а скорость клубочковой фильтрации и содержание цистатина С – выше контроля. **Выводы:** наше исследование показало, что эти белки имеют важное значение в ранней диагностике хронической болезни почек, развившейся на фоне диабетической нефропатии.

Ключевые слова: диабетическая нефропатия, клото, цистатин С, креатинин, сахарный диабет 2-го типа, микроальбуминурия, скорость клубочковой фильтрации.

Objective: To study the importance of klotho and cystatin C in the early diagnosis of chronic kidney disease developed in type 2 diabetes. **Materials and methods:** In the study, we obtained blood analyzes of 120 patients with type 2 diabetes with normal or moderately reduced renal function and 20 subjects for the control group. **Results:** According to the results of the study, in patients with diabetic nephropathy, in the early stages of chronic kidney disease, the amount of Klotho is lower compared to the control group, and the amount of Klotho decreases in accordance with the decrease in the glomerular filtration rate, and the amount of Cystatin C is higher compared to the control group. **Conclusion:** our study shows that these proteins are important in the early diagnosis of chronic kidney disease developed against the background of diabetic nephropathy.

Key words: diabetic nephropathy, klotho, cystatin C, creatinine, type 2 diabetes, microalbuminuria, glomerular filtration rate.

Sistatin C va Klotho 2 tur qandli diabet bilan og'ri-gan bemorlarda diabetik nefropatiya rivojlanishi bilan bog'liq holda o'rganilayotgan ikkita omil mavjud. Ikkala omil ham 2 tur qandli diabet bilan og'ri-gan bemorlarda diabetik nefropatiya rivojlanishi erta diagnostikasida qiziqish uyg'otsada, ular alohida rollarni o'ynaydi va turli xil ta'sirga ega [1].

Tadqiqot maqsadi

Hozirgi vaqtga kelib siydikning proteomik tadqiqotlariga qiziqish ortdi. Qandli diabet bilan og'ri-gan bemorlarning siydigining oqsil spektrini tahlil qilish diabetik nefropatiya rivojlanish xavfini aniq ko'rsatishi isbotlangan. Diabetik nefropatiya bilan og'ri-gan bemorlarda siydik biomarkerlari sog'lom odamlardan 40 ta oqsil bilan farq qilishi aniqlandi. Shuningdek, siydikning oqsil spektrini o'rganish orqali diabet bilan og'ri-gan bemorlarda buyrak patologiyasining namoyon bo'lishini mikroalbuminuriya rivojlanishidan taxminan 4 yil oldin taxmin qilish mumkinligi aniqlandi. Proteomik tahlil juda o'ziga xos usul bo'lib, diabetik nefropatiya tashxisida "kelajak" bo'lishi mumkin [2].

Qonda mochevina, plazmada kreatinin, ko'ptokchalar filtratsiyasi tezligi (KFT) formulalari, proteinuriya va albuminuriya hozirda diabetik nefropatiyaning mavjudligi va rivojlanishini baholash uchun keng qo'llaniladigan


chora-tadbirlardir [3]. Biroq, bu chora-tadbirlar buyrak to'qimalarining shikastlanishini aniq, to'g'ridan-to'g'ri ko'rsatib bera olmaydi va buyrak faoliyatidagi kichik o'zgarishlarga nisbatan sezgir emas. Shunday qilib, sezgir, o'ziga xos va aniq bo'lgan va buyrak shikastlanishini erta bosqichlarda aniqlay oladigan va klinik jihatdan ahamiyatli natijalarni bashorat qila oladigan yangi biomarkerlarga ega bo'lish diabetik nefropatiyani aniq va erta tashxislash imkonini beradi.

Material va usullar

Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli poliklinikasi endokrinologiya bo'limida davolanayotgan 120 ta 2 tur qandli diabetli bemorlar kuzatuvga olindi. Ulardan 65 tasi ayol, 55ta erkak bo'lib 30 yoshdan 69 yoshgacha, o'rtacha yoshi $52,5 \pm 0,9$ yosh.

Natijalar va muhokama


e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra nazorat guruhida buyraklar ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi $87,69 \pm 12,94$ ml/min/1.73m² ni tashkil etgan bo'lsa, bemorlarning buyraklar ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi o'rtacha ko'rsatkichlari C 2 guruhda $69,3 \pm 6,7$ ml/min/1.73m² ni tashkil etdi va C3a guruhda $54,9 \pm 3,18$ ml/min/1.73m² ni tashkil etdi ($p < 0,05$) (1-rasm).



1-rasm. 2 tur qandli diabet bilan og'rikan diabetik nefropatiya fonida shakllangan surunkali buyrak kasalligining e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra C2 va C3a bosqichlaridagi bemorlar guruhlarida mikroalbuminuriya ko'rsatkichlari (mg/g.da).

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 bo'lgan nazorat va C2li bemorlar guruhlaridagilar qonidagi klotho miqdorining ko'rsatkichlarini o'rgandik. Bunda nazorat guruhida e gfr cr formulasiga ko'ra KFT - $87,69 \pm 12,94$ ml/min/1.73m² ni tashkil etgan holatda ushbu guruhdagilar qonidagi klotho miqdorining o'rtacha ko'rsatkichlari $355,35 \pm 52,46$ pg/ml ni tashkil etdi.

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 bo'lgan bemorlarni o'rganganimizda KFT o'rtacha qiymatlari $69,3 \pm 6,7$ ml/min/1.73m² ni tashkil etdi ushbu bemorlar qonidagi klotho miqdorining o'rtacha ko'rsatkichlari esa $295,43 \pm 28,13$ pg/ml ni tashkil etdi (2-rasm).



2-rasm. e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 bo'lgan nazorat va bemorlar guruhlarida buyraklar funksional holatini ko'rsatuvchi qon biokimyoviy ko'rsatkichlari.

Quyidagi jadvalga ko'ra nazorat guruhi va kft C2 bo'lgan bemorlar guruhlarida qondagi kreatinin va kft e gfr creatinin formulasiga ko'ra biroz farq mavjud bo'lgan

holatda qondagi klotho miqdori sezilarli darajada kamayganligini ko'rish mumkin.


1-jadval e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 bo'lgan nazorat va bemorlar guruhlarida buyraklar funksional holatini ko'rsatuvchi standart va yangi o'rganilayotgan qon biokimyoviy ko'rsatkichlari

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra	Kreatinin, mkmol/l	Sistatin C, (pg/ml)	Klotho, (pg/ml)	e gfr creatinin, ml/min/1.73m ²	e gfr cr-cys C, ml/min/1.73m ²
Nazorat guruhi, C2	$75,2 \pm 8,6$	$887,1 \pm 18,1$	$355,3 \pm 52,5$	$84,9 \pm 12,8$	$87,7 \pm 12,9$
DN, C2	$81,4 \pm 13,9$	$1171,2 \pm 119,4^*$	$295,4 \pm 28,1$	$79,2 \pm 11,7$	$69,3 \pm 6,7$

Izoh. *-nazorat va DN, C2 o'rtasidagi farq ishonchli, *-p<0,05.

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra buyraklar ko'ptokchali filtratsiyasi tezligi o'rtacha ko'rsatkichlari C 2 guruhida $69,3 \pm 6,7$ ml/min/1.73m² ni tashkil etgan bemorlarda qon tahlilida Klotho miqdori o'rganilganda qondagi klotho miqdorining o'rtacha qiymatlari $295,4 \pm 28,13$ pg/ml ni tashkil etgan bo'lsa, e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra

buyraklar ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi o'rtacha ko'rsatkichlari C 3a guruhida $54,9 \pm 3,18$ ml/min/1.73m² ni tashkil etgan holatdagi bemorlar qonidagi klotho markerining o'rtacha ko'rsatkichlari $142,3 \pm 8,2$ pg/ml ni tashkil etdi.



3-rasm. e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 va C3a bemorlar guruhlarida buyraklar funksional holatini ko'rsatuvchi standart va yangi o'rganilayotgan qon biokimyoviy ko'rsatkichlari.

Nazorat guruhi va bemorlar qonida kreatinin, sistatin C miqdori tekshirilib e gfr cr-cys C formulasi orqali buyraklar filtratsiya tezligini hisoblangan guruhlarining qonida klotho miqdorini o'rganib o'zaro bog'lanish bor-

ligini tahlil qildik va qiyosiy o'rgandik. Bunda e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra nazorat va bemorlar guruhlarida kft kamaygani sari klotho miqdorining ham kamayib borishi kuzatildi.

Bemorlarda va nazorat guruhida qonda Klotho va sistatin C miqdori tekshirilib e gfr cr-cys C formulasi orqali buyraklar filtratsiya tezligini hisoblab chiqdik va olingan natijalar asosida KFT C2 darajali nazorat va KFT C2 va C3a guruhlaridan iborat bemorlar guruhlari shakllandi. Bunda e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra nazorat guruhida buyraklar ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi o'rtacha qiymatlari 87,69±12,94 ml/min/1.73m² ni , e gfr cr formulasiga ko'ra nazorat guruhida buyraklar ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi o'rtacha qiymatlari - 84,93±12,76 ml/min/1.73m² tashkil etgan bo'lsa, sistatin C ning o'rtacha qiymati 887,05±18,1 pg/ml, kreatininning o'rtacha miqdorlari 75,19±8,6 mkmol/l ni tashkil etdi .

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra kft C2 guruhida kft o'rtacha qiymatlari - 69,3±6,7 ml/min/1.73m² ni, shu guruhdagilar kft e gfr cr formulasiga ko'ra o'rtacha qiymatlari - 79,23±11,75 ml/min/1.73m² tashkil etgan bo'lsa, sistatin C ning o'rtacha qiymati 1171,2±119,4 pg/ml, kreatininning o'rtacha miqdorlari 81,38±13,96 mkmol/l ni tashkil etdi.

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra kft C3a guruhini o'rganganimizda kft o'rtacha qiymatlari - 54,9±3,18 ml/min/1.73m² ni, shu guruhdagilar kft e gfr cr formulasiga ko'ra o'rtacha qiymatlari - 63,72±9,97 ml/min/1.73m² tashkil etgan bo'lsa , sistatin Cning o'rtacha qiymati 1342±169 pg/ml, kreatininning o'rtacha miqdorlari 88,27±15,5 mkmol/l ni tashkil etdi (2-jadval).

2-jadval

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra KFT C2 nazorat; C2 va C3a bemorlar guruhlari buyraklar funksional holatini ko'rsatuvchi standart va yangi o'rganilayotgan qon biokimyoviy ko'rsatkichlari

e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra	Kreatinin, (mkmol/l)	Sistatin C, (pg/ml)	e gfr creatinin, ml/min/1.73m ²	e gfr cr-cys C, ml/min/1.73m ²
Nazorat guruhi C2	75,2±8,6	887,1±18,1	84,9±12,8	87,7±12,9
DN C2	81,4±14,0	1171,2±119,4*	79,2±11,7	69,3±6,7
DN C3a	88,3±15,5	1342±169#	63,7±10,0	54,9±3,2#

*Izoh. *- Nazorat guruhi C2 va DN C2 guruhlar o'rtasidagi farq ishonchli, *-p<0,05, #- Nazorat guruhi C2 va DN C3a guruhlar o'rtasidagi farq ishonchli, #-p<0,05, +- DN C2 va DN C3a guruhlar o'rtasidagi farq ishonchli, +-p<0,05.*

Nazorat guruhi va bemorlar qonida kreatinin, sistatin C miqdori tekshirilib e gfr cr, e gfr cr-cys C formulalari orqali buyraklar filtratsiya tezligini hisoblangan guruhlarni o'rganib o'zaro bog'lanish borligini tahlil qildik va qiyosiy o'rgandik. Bunda turli guruhlarda kreatinin miqdorining biroz o'zgargani: nazorat guruhi va bemorlarda kreatinin miqdori biroz oshgani holatida, sistatin Cning miqdori nazorat guruhiga nisbatan diabetik nefropatiyalii bemorlarda keskin oshganligini kuzatdik.

Amalga oshirgan tadqiqotimizda nazorat guruhida va e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra shakllangan KFT C2 va C3a guruhlarda sistatin C miqdori mos ravishda 887,05±18,1 pg/ml; 1171,2±119,4 pg/ml va 1342±169 pg/ml ni tashkil etdi (p<0,05). Nazorat guruhida va e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra shakllangan KFT C2 va C3a guruhlarda klotho miqdori esa mos ravishda 355,3±52,5 pg/ml; 295,4±28,1 pg/ml va 142,3±8,2 pg/ml ni tashkil etdi. Yani kft e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra shakllangan nazorat C2 va DNli KFT C2 va C3a guruhlarda bemorlar qonidagi sistatin C ning o'rtacha qiymatlari ortib borishiga bog'liq ravishda qondagi klothoning kft e gfr cr-cys C formulasiga ko'ra shakllangan nazorat C2 va DNli KFT C2 va C3a guruhlarda o'rtacha miqdorlari kamayib borishi kuzatildi (p<0,01).

Xulosa

O'tkazilgan tadqiqot natijalariga ko'ra diabetik nefropatiyalii bemorlarda, surunkali buyrak kasalligining erta bosqichlarida klotho miqdorining, nazorat guruhiga nisbatan past bo'lishi va ko'ptokcha filtratsiya tezligi pasayishiga mos ravishda Klotho miqdorining ham pasayib borishi va Sistatin C miqdorining, nazorat guruhiga nisbatan baland bo'lishi kuzatildi va bu ushbu oqsillarning diabetik nefropatiya fonida rivojlangan surunkali buyrak kasalligining erta diagnostikasida muhim ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi.

Adabiyotlar

1. Chen S. Diabetic nephropathy and transforming growth factor: transforming our view of glomerulosclerosis and fibrosis build-up // Semin. Nephrol. – 2003. – Vol.23, № 6. – P. 532-543.
2. Lanaspas M.A. Ishimoto T. Endogenous fructose production and fructokinase activation mediate renal injury in diabetic nephropathy // J. Am. Soc. Nephrol. – 2014.– Vol. 25, № 11. – P. 2526-2538.
3. Satirapoj B., S. Tassanasorn, M. Charoenpitakchai, and O. Supasyndh, "Periostin as a tissue and urinary biomarker of renal injury in type 2 diabetes mellitus," PLoS One, vol. 10, no. 4, article e0124055, 2015.

QANDLI DIABETNING 2 TURIDA RIVOJLANGAN SURUNKALI BUYRAK KASALLIGINI ERTA TASHXISLASHDA KLOTHO HAMDA SISTATIN C NI AHAMIYATI

Botirova N.A., Sadikova N.G., Hamrayev X.X.

Maqsad: 2 tur qandli diabetda rivojlangan surunkali buyrak kasalligini erta tashxislashda klotho va sistatin C ning ahamiyatini o'rganish. **Material va usullar:** tadqiqotda buyrak funksiyasi norma yoki o'rtacha darajada kamaygan 2 tur qandli diabet bilan og'rikan 120 bemor va nazorat guruhidagi 20 bemordan qon tahlillari olindi. **Natijalar:** tadqiqot natijalariga ko'ra, surunkali buyrak kasalligining dastlabki bosqichida diabetik nefropatiya bilan og'rikan bemorlarda, sistatin C miqdori nazorat guruhiga qaraganda yuqori. Klotho miqdori nazorat guruhiga nisbatan past bo'ladi va buyrak ko'ptokchalari filtratsiyasi tezligi kamayishiga mos ravishda klotho miqdori ham kamayadi. **Xulosa:** bizning tadqiqotimiz shuni ko'rsatadiki, bu oqsillar diabetik nefropatiya fonida rivojlangan surunkali buyrak kasalligini erta tashxislashda muhim ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: diabetik nefropatiya, klotho, sistatin C, kreatinin, 2 tur qandli diabet, mikroalbuminuriya, glomerulyar filtratsiya tezligi.

КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА СУСТАВИН НА ФОНЕ СТАНДАРТНОЙ ТЕРАПИИ ОСТЕОАРТРИТА

Буранова С.Н., Ахмедов Х.С.

SUSTAVIN PREPARATINING OSTEOARTRITNI DAVOLASHDA KLINIK SAMARADORLIGI

Buranova S.N., Axmedov X.S.

CLINICAL EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS SUSTAVIN IN THE TREATMENT OF OSTEOARTHRITIS

Buranova S.N., Akhmedov Kh.S.

Ташкентская медицинская академия

Maqsad: tizza bo'g'imlari osteoartritida bo'g'imning klinik samaradorligini baholash. **Material va usullar:** tadqiqotda tizza bo'g'imlari osteoartritining I-II bosqichlari bo'lgan 50 nafar bemor va 10 nafar sog'lom ko'ngilli ishtirok etdi. Nazorat guruhidagi bemorlar standart davolash rejimini oldilar, asosiy guruhdagi bemorlar standart terapiya bilan birgalikda qo'shma qabul qilishdi. **Natijalar:** asosiy guruh bemorlarida, klinik yaxshilanish va tizza bo'g'imlarida og'riqning intensivligini kamaytirishdan tashqari, qon zardobidagi oligomerik matritsa oqsili, C-reaktiv oqsil va eritrotsitlarning cho'kish tezligini aniqlash darajasi pasaygan, bu foydali ekanligini ko'rsatdi. **Xulosa:** qo'shimcha tadqiqotlar bemorlarning salomatligini yaxshilashga yordam beradi.

Kalit so'zlar: osteoartrit, tog'ay oligomer matriks oqsili, tizza bo'g'imi, Sustavin.

Objective: To evaluate the clinical effectiveness of joint in osteoarthritis of the knee joints. **Material and methods:** The study involved 50 patients with stage I-II osteoarthritis of the knee joints and 10 healthy volunteers. Patients in the control group received a standard treatment regimen, patients in the main group took jointin along with standard therapy. **Results:** In patients of the main group, in addition to clinical improvement and reduction in the intensity of pain in the knee joints, the levels of cartilage oligomeric matrix protein, C-reactive protein, and ESR in the serum decreased, which indicated a beneficial effect of joint on the functionality of the joint. **Conclusions:** Further studies of cartilage oligomeric matrix protein levels are needed to exploit its potential as a predictor of cartilage degradation.

Key words: osteoarthritis, oligomeric matrix protein of cartilage, knee joint, cartilage, Sustavin.

В настоящее время отмечается значительный рост числа больных с хроническими заболеваниями опорно-двигательной системы, среди которых особое место имеет остеоартрит (ОА) [6,8]. По экспертным оценкам, с 1990 до 2020 гг. за счет увеличения продолжительности жизни и старения населения число больных ОА может увеличиться вдвое [5,7]. Согласно современным представлениям, ОА – это заболевание суставов, характеризующееся клеточным стрессом и деградацией экстрацеллюлярного матрикса, возникающими при макро- или микрповреждениях, которые активируют ненормальные адаптивные восстановительные ответы, включая провоспалительные пути иммунной системы. Изменения, происходящие первоначально на молекулярном уровне, приводят затем к анатомическим и физиологическим нарушениям (деградация хряща, костное ремоделирование, образование остеофитов, воспаление и т. д.) и развитию заболевания [7,9,10]. Согласно данным литературы, интенсивность болевого синдрома при ОА не коррелирует с рентгенологической картиной и стадией заболевания: 74% больных с ранним гонартрозом имеют такие же или даже большие интегральные показатели выраженности боли и степени функциональных нарушений, как и пациенты с терминальной стадией ОА [8,11,12,14].

Согласно некоторым данным [12,13], неоперативное лечение ОА эффективно лишь на его начальной стадии. Кроме того, вовремя и адекватно

проведенные лечебно-профилактические мероприятия могут существенно замедлить скорость прогрессирования заболевания и отдалить необходимость дорогостоящего оперативного лечения [2,15]. Эффекты препаратов с хондропротективным действием на метаболизм хрящевой ткани до конца не изучен. Поэтому мы изучали действие суставина – препарата растительного происхождения, обладающего хондропротекторным действием на хрящ. Основным механизмом противовоспалительного, анальгезирующего и хондропротективного действия суставина является ингибирование синтеза простагландинов [3]. Поэтому особый интерес представляет ингибирование провоспалительных ферментов [4]. Следовательно, использование биомаркеров для верификации некоторых продуктов деградации хряща, таких как внеклеточный матрикс или коллагеновые компоненты, могут являться индикаторами эффективности препаратов данной группы.

В настоящее время известно [1], что деградацию хряща при ОА можно оценить по ферментам, вовлеченным в этот процесс, и веществам, первоначально присутствующим в хряще и поступающим в кровь и отражающим процесс деградации. Сывороточные уровни олигомерного матриксного протеина хряща (COMP) – компонента внеклеточного матрикса – существенно выше у пациентов с ОА, кроме того, уровни COMP хорошо коррелируют с наличием синовита при ОА и могут служить индикатором прогрессирования ОА [13-15].

Цель исследования

Оценка клинической эффективности суставина при остеоартрите коленных суставов (КС).

Материал и методы

Под наблюдением были 50 пациентов в возрасте 41-65 лет (средний возраст $55,3 \pm 4,1$ года) с ОА коленного сустава I-II стадии без выраженного синовита, а также 10 здоровых добровольцев. Средняя продолжительность ОА составила $5,2 \pm 4,1$ года. По Kellgren и Lawrence ОА I стадии был выявлен у 42,1%, II стадии – у 52,6% пациентов.

Все пациенты с ОА в зависимости от методики лечения были разделены на 2 группы. Контрольную группу составили 24 больных, кото-

рые соблюдали рекомендации по правильному образу жизни, коррекции массы тела и питания, выполняли комплекс лечебной физкультуры, а также получали нестероидные противовоспалительные препараты – нимесулид по 100 мг 2 раза в день в течение 14 дней, в последующем по потребности. В основную группу включены 26 пациентов. Пациенты этой группы на фоне соблюдения рекомендаций по правильному образу жизни, коррекции массы тела и питания, выполнения комплекса лечебной физкультуры и приема нестероидных противовоспалительных препаратов (нимесулид по 100 мг 2 раза в день в течение 14 дней, в последующем по потребности), получали суставин 2 раза в день per os утром вечером в течение 3-х месяцев.

10 здоровых добровольцев, не получавших никакого лечения, служили только референсом для данных биохимического анализа крови.

Критериями исключения являлись: наличие аллергии на отдельные компоненты препарата суставин, наличие в анамнезе язвы желудка и/или двенадцатиперстной кишки в стадии обострения, клинически значимые заболевания сердечно-сосудистой системы, почек, печени, дыхания, желудочно-кишечного тракта, прием противовоспалительных или анальгезирующих препаратов в течение 10 дней до начала исследования.

У всех больных до и чрез 12 недель после проведенного лечения проводили оценку по ВАШ и рассчитывали функциональный индекс Лекена.

Определяли стандартные лабораторные показатели: общий анализ крови, С-реактивный белок (СРБ), мочевину крови, креатинин, ураты, липидный спектр, уровень холестерина, билирубина, АСТ, АЛТ, глюкозы крови. Уровень олигомерного матриксного протеина хряща определяли методом иммуноферментного анализа (ELISA, Россия)

Для статистического полученных данных были использованы параметрические и непараметрические методы (критерий t-Стьюдента)

Результаты и обсуждение

В ходе исследования у пациентов, получавших суставин, отмечалось улучшение показателей ВАШ, достоверно уменьшились боли при активных движениях (табл. 1).

У пациентов основной группы зарегистрировано также значительное улучшение по индексу

Лекена. Так, в контрольной группе индекс Лекена в среднем снизился с $9,5 \pm 0,7$ до $6,5 \pm 0,5$ балла, в основной группе – с $8,5 \pm 0,6$ до $3,5 \pm 0,3$ балла ($p < 0,05$), что свидетельствует о значительном уменьшении болевого синдрома на фоне лечения суставинном.

Таблица 1
Динамика интенсивности боли (ВАШ)
у больных ОА на фоне лечения

Группа	До лечения	Через 12 недель
Контрольная	$46,5 \pm 2,06$	$39,9 \pm 1,47$
Основная	$47,2 \pm 1,90$	$30,2 \pm 1,1^*$

Примечание. * – $p < 0,05$.

При сравнительной оценке лабораторных показателей было выявлено снижение уровня СОМР, что свидетельствовало об уменьшении степени дегградации хряща в результате лечения (табл. 2). При этом содержание СОМР у пациентов основной группы, которые принимали суставин, было более выраженным, чем у больных контрольной группы. Согласно данным литературы [15], снижение уровня СОМР в крови может быть связано с тем, что корень гарпагофитума и ива белая содержат вещества, обладающие противовоспалительным, обезболивающим (ингибирование COX-2, iNOS), хондропротекторным (уменьшение медиаторов деструкции хряща: TNF- α , ИЛ-1 β , ИЛ-6, MMPs, NO, эластаза) и антиоксидантным (повышение активности супероксиддисмутазы, каталазы, глутатионпероксидазы, захват супероксидного и пероксильного радикалов) действием на хрящ сустава.

СОЭ снизилась до $11,3 \pm 0,6$ мм/ч, тогда как в контрольной группе этот показатель составлял $16 \pm 0,3$ мм/ч. Важно отметить, что у пациентов основной группы достоверно снижался уровень СРБ.

Таблица 2
Основные лабораторные показатели у больных ОА до (числитель) и после (знаменатель) лечения

Показатель	Контрольная группа	Основная группа
СОМР, мкг/мл	$\frac{1,61 \pm 0,40}{1,48 \pm 0,47}$	$\frac{1,52 \pm 0,34}{1,37 \pm 0,36^*}$
СОЭ, мм/ч	$\frac{25,7 \pm 0,41}{16 \pm 0,3}$	$\frac{24 \pm 0,4}{11,3 \pm 0,6^*}$
СРБ, мг/л	$\frac{14 \pm 0,3}{10,8 \pm 2,1}$	$\frac{15,9 \pm 0,41}{6,3 \pm 0,8^*}$

Примечание. * – $p < 0,05$.

Выводы

1. Суставин на фоне стандартного лечения оказывает положительное воздействие на коленные суставы, улучшая их функциональные возможности. Снижение сывороточных уровней СОМР у пациентов, получавших суставин, вероятно, отражает изменения в обмене матрикса.

2. Так как СОМР является маркером прогрессирования болезни на ранней стадии остеоартрита коленного сустава, этот показатель можно использовать при оценке действия препарата.

3. Необходимы дальнейшие исследования уровней СОМР в рамках использования его возможностей в качестве предиктора дегградации хряща.

Литература

1. Алексеева Л.И., Таскина Е.А. // Соврем. ревматол. – 2019. – №2.
2. Гнилорыбов А.М., Хрещакова Т.П. Роль олигомерного матричного протеина хряща в диагностике поражения суставов. <http://rheumatology.org.ua/blog/articles/392/> (дата обращения 08.08.2014).
3. Лисицына Е.М., Лисицын М.П., Заремук А.М. Современный подход к патогенезу, диагностике и лечению остеоартроза коленного сустава // Эндоскоп. хир. – 2016. – №6.
4. Савустьяненко А.В. Эффективность экстракта мартинии душистой (сустамар) при остеоартритах, поясничной боли и фибромиалгии: обзор исследований. – Донецк, 2018.
5. Bijlsma J.W., Berenbaum F., Lafeber F.P. Osteoarthritis: an update with relevance for clinical practice // Lancet. – 2011. – Vol. 377 (9783). – P. 2115-2126.
6. Buranova S.N., Akhmedov Kh.S., Razakova F.S. Cartilage oligomeric matrix protein (COMP) in early diagnosis of osteoarthritis // Chin. J. Occup. Dis. Labor Health. – 2021. – Vol. 39, №7. – P. 93-100.
7. Felson D.T., Hodgson R. Identifying and Treating Pre-Clinical and Early Osteoarthritis // Rheum. Dis. Clin. North Amer. – 2014. – Vol. 40, №4. – P. 699-710.
8. Gelber A.C. Osteoarthritis research: current state of the evidence // Curr. Opin. Rheumatol. – 2015. – Vol. 27, №3. – P. 273-275.
9. Glyn-Jones S., Palmer A.J., Agricola R. Osteoarthritis // Lancet. – 2015. – Vol. 386 (9991). – P. 376-387.
10. Hensor E.M.A., Dube B., Kingsbury S.R. et al. Toward a Clinical Definition of Early Osteoarthritis: Onset of Patient-Reported Knee Pain Begins on Stairs. Data From the Osteoarthritis Initiative // Arthritis Care Res. (Hoboken). – 2015. – Vol. 67, №1. – P. 40-47.
11. Jones L.D., Bottomley N., Harris K. et al. The clinical symptom profile of early radiographic knee arthritis: a pain and function comparison with advanced disease // Knee Surg Sports Traumatol. Arthrosc. – 2016. – Vol. 24, №1. – P. 161-168.
12. Luyten F.P., Denti M., Filardo G. et al. Definition and classification of early osteoarthritis of the knee // Knee Surg. Sports Traumatol. Arthrosc. – 2012. – Vol. 20, №3. – P. 401-406.

13. Luyten F.P., Denti M., Filardo G. et al. Definition and classification of early osteoarthritis of the knee // Knee Surg. Sports Traumatol. Arthrosc. – 2015. – Vol. 20, №3. – P. 401-406.

14. Madry H., Kon E., Condello V. Early osteoarthritis of the knee // Knee Surg. Sports Traumatol. Arthrosc. – 2016. – Vol. 24, №6. – P. 1753-1762.

15. Thorstensson C.A., Andersson M.L., Jonsson H. et al. Natural course of knee osteoarthritis in middle-aged subjects with knee pain: 12-year follow-up using clinical and radiographic criteria // Ann. Rheum. Dis. – 2009. – Vol. 68 №12. – P. 1890-1893.

КЛИНИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА СУСТАВИН НА ФОНЕ СТАНДАРТНОЙ ТЕРАПИИ ОСТЕОАРТРИТА

Буранова С.Н., Ахмедов Х.С.

Цель: оценка клинической эффективности суставина при остеоартрите коленных суставов. **Материал и методы:** в исследовании участвовали 50 пациентов с остеоартритом коленных суставов I-II стадии и 10 здоровых добровольцев. Пациенты контрольной группы получали стандартную схему лечения, больные основной группы на фоне стандартной терапии принимали суставин. **Результаты:** у пациентов основной группы, помимо клинического улучшения и уменьшения интенсивности боли в коленных суставах, понизились уровни олигомерного матричного протеина хряща, С-реактивного белка, СОЭ в сыворотке, что указывало на благоприятное влияние суставина на функциональные возможности сустава. **Выводы:** необходимы дальнейшие исследования уровня олигомерного матричного протеина хряща в рамках использования его возможностей в качестве предиктора дегградации хряща

Ключевые слова: остеоартрит, олигомерный матриксный протеин хряща, коленный сустав, суставин.

OSTEOARTRITLI BEMORLARDA TOG'AY OLIGOMER MATRIKS OQSILI KO'RSATKICHLARINI YAXSHILASHGA QARATILGAN TERAPEVTIK TADBIRLARNING AHAMIYATI

Buranova S., Ahmedov X., Rahimova M.

ЗНАЧЕНИЕ ЛЕЧЕБНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ, НАПРАВЛЕННЫХ НА УЛУЧШЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОЛИГОМЕРНОГО МАТРИКСНОГО БЕЛКА ХРЯЦА У ПАЦИЕНТОВ С ОСТЕОАРТРИТОМ

Буранова С., Ахмедов Х., Рахимова М.

THE IMPORTANCE OF A TREATMENT IN PATIENTS WITH OSTEOARTHRITIS FOCUSED ON THE DYNAMICS OF THE INDICATORS OF THE CARTILAGE OLIGOMER MATRIX PROTEIN

Buranova S., Akhmedov H., Rakhimova M.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Objective: To evaluate the effectiveness of a therapeutic method aimed at improving the level of total oligomeric matrix protein in patients with osteoarthritis of the knee joint. **Material and methods:** The study involved 50 patients with osteoarthritis of the knee joint aged 54.5 ± 4.4 years, who were divided into the main and control groups. Patients in the main group received treatment aimed at reducing the level of oligomeric matrix protein of cartilage; patients in the control group used traditional treatment. **Results:** The proposed method for the treatment of osteoarthritis of the knee joint more effectively reduces the content of oligomeric matrix protein of cartilage, which plays an important role in improving and maintaining the functional abilities of the joints. The treatment differs from the traditional one in that it suppresses the process of cartilage destruction. **Conclusions:** The proposed treatment method plays an important role in improving and maintaining functionality.

Key words: osteoarthritis, cartilage oligomeric matrix protein, radiological changes.

Цель: оценка эффективности терапевтического метода, направленного на улучшение показателя общего олигомерного матриксного белка у больных остеоартритом коленного сустава. **Материал и методы:** в исследовании приняли участие 50 пациентов с остеоартритом коленного сустава в возрасте $54,5 \pm 4,4$ года, которые были разделены на основную и контрольную группы. Больные основной группы получали лечение, направленное на снижение уровня олигомерного матриксного белка хряща, у пациентов контрольной группы использовалось традиционное лечение. **Результаты:** предложенный способ лечения остеоартрита коленного сустава более эффективно снижает содержание олигомерного матриксного белка хряща, что играет важную роль в улучшении и поддержании функциональных способностей суставов. Лечение отличается от традиционного тем, что подавляет процесс разрушения хряща. **Выводы:** предложенный способ лечения играет важную роль в улучшении и поддержании функциональных возможностей.

Ключевые слова: остеоартрит, олигомерный матриксный белок хряща, рентгенологические изменения.

Hozirgi kunda nazariy va amaliy tibbiyotning jadal taraqqiy etishiga qaramasdan, amaliy shifokor faoliyatida tayanch-harakatlanish tizimining surunkali kasalliklari katta qiyinchiliklar tug'diradi. Shu jumladan, negizida tog'ay to'qimasi parchalanishi, suyak tuzilishini remodellash, osteofitot va yallig'lanish jarayonlari yotgan osteoartrit (OA) o'zining bo'g'imdagi anatomo-fiziologik buzilishlar tufayli klinik ko'rinish va xususiyatlari bilan ajralib turib, ayniqsa o'rta yoshdagi bemorlarda erta mehnatga yaroqsizlikka olib kelishi bilan muammoning ijtimoiy ahamiyati va dolzarbligini belgilaydi [1,3]. Qolaversa, iqtisodiyoti rivojlangan davlatlarning 50 yoshdan oshgan aholisining yarmidan ortiq qismi, 65 yoshdan oshgan aholisining esa 60 % dan ortiq qismi ushbu kasalliklar bilan og'riydi va bu o'z navbatida mamlakatlar sog'liq tizimida yechilishi kerak bo'lgan jiddiy muammo hisoblanadi [2].

So'nggi yillardagi mavjud adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra [3,4,7], OA patogenezini negizida yallig'lanish oldi sitokinlari, ya'ni IL-1, IL-6 va FNO- α agresiv ta'sirida suyaklarda qaytmas eroziyalar yuzaga keladi va bu o'z navbatida tog'ayda degenerativ o'zgarishlar kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Bu jarayon esa kollagenaza va matriks metalloproteinaza fermentlarini sintez-

ini kuchaytirib, OAning biokimyoviy xususiyatlaridan biri bo'lgan 2-turdagi kollageni parchalanishiga turtki bo'ladi [4,7]. Oxirgi yillardagi ilmiy tadqiqotlarga ko'ra [5,6,12], tog'ay oligomer matriks oqsili (TOMO) tog'ay matriksida yuqorida ko'rsatilgan fermentlar ta'siri ostida yuzaga keladigan metabolik o'zgarishlar haqida muhim ma'lumot beradi. Chunonchi, TOMO qon zardobidagi oshishi shu kasallikning erta aniqlashda biomarker sifatida xizmat qilish haqida fikrlar shakllanishiga sabab bo'lmoqda. Qolaversa, TOMO qon zardobidagi dinamik o'zgarishlarni OAning klinik kechishiga nisbatan o'rganish ilmiy va amaliy qiziqish uyg'otadi.

Hozirgi kunda, yuqorida ko'rsatilgan OAdagi muhim patogenetik jarayonlar o'rganilganligiga qaramasdan, shifokorlarni amaliyotida shu kasallikni davolashda bir qancha qiyinchiliklarga uchramoqdalar. Amaliyot tajribasi ko'rsatadiki, OA davolash usullari sifatida keng qo'llanilayotgan nosteroid yallig'lanishga qarshi vositalar va xondroprotektorlar barcha muammolar yechimini hal qilmaydi. Haqiqatan ham, adabiyot ma'lumotlarida [6,8] shu davolash usullari yuzasidan zid fikrlar mavjud. Bu usullar bemorlarda klinik yaxshilanishi va uning hayot sifatiga ma'lum ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ko'pchilik mualliflar fikriga ko'ra [7], OA da og'riq sindromi darajasi rentgenologik tasvir va kasallik

bosqichi bilan o'zaro bog'liqlikka ega bo'lmasligi mumkin: tizza bo'g'imi OA ning dastlabki bosqichidagi bemorlarning 74 % da xuddi OA ning so'ngi bosqichi kabi va hatto undan xam katta integral ko'rsatkichdagi og'riq sindromi va funktsional buzilishlar darajasi kuzatiladi. Shuning uchun mavjud davo usuli ko'proq bo'g'imdagi og'riqni kamaytirishiga va ma'lum darajada uning funktsional xolatini yaxshilashiga xizmat qiladi [8,10,11]. Boshqa tomondan esa, mavjud usullar bemor tomondan iqtisodiy ko'p harajatliligi bilan ajralib turadi va bemorlarda endoprotezlashga bo'lgan ko'rsatmalar kamayishiga ta'sir ko'rsatmaydi [9]. Bu holat, o'z navbatida, kasallikning patogenezida muhim tomonlariga e'tibor berishni jalb qiladi. Vaholanki, patologik jarayonning rivojlanishidagi sitokinlar, kollagenaza va matriks metalloproteinazalarni muvofiqshartirishda TOMO darajasini kamaytirish maqsadga muvofiq. Bugungi kundagi mavjud adabiyotlarda bu muammo keng yoritilmagan, lekin ayrim manbalarda [10,12] matriks metalloproteinazaga ta'sir qiluvchi ba'zi vositalarni eksperimental natijalari bayon qilingan. Holbuki, bu muammoning yechimini to'liq anglatib bera olmaydi. Shuning uchun, patogenetik nuqtai nazardan TOMO miqdorini kamaytirishga qaratilgan davo kasallikning klinik kechishidagi samaradorlikni to'liq o'rganish katta ilmiy-amaliy qiziqish uyg'otadi.

Tadqiqot maqsadi

Tizza bo'g'imi OAga chalingan bemorlarda tog'ay oligomer matriks oqsili (TOMO) dinamikasiga qaratilgan davo usulining shu kasallikni klinik kechishi samaradorlikdagi o'rnini aniqlashdan iborat.

Material va usullar

Tadqiqotga tizza bo'g'imi birlamchi OAga chalingan, 41-65 (o'rtacha 54,5±4,4) yoshdagi, o'rtacha davomiyligi 5,3±4,2 yilni tashkil qilgan 50 nafar bemorlar jalb qilingan. Barcha bemorlarda laborator-asbobiy tekshiruv xamda tizza bo'g'imi to'g'ri (oldingi orqa) proektsiyadagi standart rentgenografiyasi o'tkazilgan hamda OAning rentgenologik bosqichni aniqlash maqsadida Kellgren modifikatsiya usulidan foydalanilgan. Bunda OA ning rentgenologik 0-bosqichini 43,8 %, I bosqichini – 40 % va II bosqichini 16,2% bemor tashkil qilgan. OA ga chalingan barcha bemorlar davolash usuliga ko'ra 2 guruhga bo'lingan hamda ular yoshi va jinsi bo'yicha o'zaro mos kelgan.

Asosiy guruhni (n=40) – yuqorida ko'rsatilgan TOMO dinamikasiga qaratilgan davolash usul bo'yicha davolangan OA ga chalingan 56,4±3,9 yoshdagi bemorlar tashkil qilgan. Ularga quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilgan:

Jismoniy tarbiyalar terapiyasi

Tana vazni indeksini kamaytirish tadbiri

Medikamentoz davo – xondroprotektorlar negizida garpagofitum (Sustavin)ni qo'llash.

JMT sifatida **3 ta yuklamasiz mashqlar** tavsiya berilgan. Bu mashqlar inson xarakterlanganda tizza bo'g'imi atrofida joylashgan va yaqqol faol bo'lmaydigan mushaklarni shakllanishi hamda xajmini kattalashiga qaratilgan. Barcha bemorlarga kaloriya tanqisligi hisoblangan ko'rsatkichga nisbatan 500-600 kkal bo'lgan, yog' miqdori <30%, uglevodlar 50-55%, oqsillar - 15-20% bo'lgan gipokalorik parhez tavsiya etilgan. TOMO miqdorini kamaytirishga qaratilgan davoni shakllantirishda O'zbekistonda ishlab chiqariladigan va matriks metalloproteinaza fermenti sintezini kamaytirishida

muxum o'rin tutgan garpagofitum (Sustavin) preparati qo'llanilgan. Bunda OAning rentgenologik 0-bosqichida: TOMO qon zardobida 1000 n/ml ko'p bo'lgan vaziyatda 50 yoshdan kichik bemorlarga shu preparatni 250 mg kuniga 3 oy davomida (agar TOMO miqdori 1000 n/ml.dan kamaymasa 6 oygacha); 1500 n/ml ko'p bo'lgan vaziyatda 50-65 yoshdagi bemorlarga 500 mg kuniga 6 oy davomida va 2000 n/ml ziyod bo'lgan 65 dan katta yoshdagilarga esa 750 mg kuniga 6 oy davomida qo'llanilgan. O'z navbatida, OAning rentgenologik I va II bosqichida barcha bemorlarga 750 mg kuniga 6 oy davomida mazkur preparat 750 mg kuniga 6 oy davomida tavsiya berilgan. Shu bilan bir qatorda, barcha bemorlar xondroitin sulfat 500 mg dan kuniga 2 marta 3 oy davomida qabul qilishgan.

Nazorat guruhini (n=40) – an'anaviy usul bo'yicha davolangan OA ga chalingan 53,1±6,4 bemorlar tashkil qilgan. Ularga quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilgan:

- to'g'ri turmush tarzini yuritish, ovqatlanishini va og'irligini to'g'irlash, kompleks davolash jismoniy mashqlarini bajarishga rioya qilish.

- nosteroid yallig'lanishga qarshi vositalarni qabul qilish (nimesulid 14 kun davomida kuniga 100 mg dan 2 marta va keyingi kunlari ehtiyojga qarab).

- xondroprotektorlarni 6 oy mobaynida per os qabul qilish (xondroitin sulfat 500 mg dan kuniga 2 marta).

Tadqiqotga bemorlarni jalb qilish mezonlari:

- EULAR/ACR mezonlariga asoslangan birlamchi OA tashhisi;

- 40 yoshdan katta bo'lgan bemorlar;

- tizza bo'g'imi 0, I va II rentgenologik bosqichlari;

- I – III funktsional sinf;

- Tadqiqotga bemorlarni istisno qilish mezonlari:

- ilmiy tadqiqot ishigacha bo'lgan davrda va tekshiruv davomida OAni jarrohlik usuli yordamida davolanmaganligi;

- ikkilamchi OA;

- og'ir yondosh patologiya (buyrak, jigar, yurak yetishmovchiligi, yuqori darajadagi nazorat qilinmaydigan AG, dekompensatsiyalangan qandli diabet va b.qa.); jarohtlar, havfli o'smalar, spirtli ichimliklarni suiste'mol qilish, ruhiy kasalliklar, shuningdek, dementsiya va idrok buzilish holatlari;

- sustavin dori vositasining alohida komponentlariga allergik reaksiyalarning mavjudligi;

- tizza bo'g'imi III-IV rentgenologik bosqichlari;

- tadqiqotgacha bo'lgan 10 kun vaqt oralig'ida yallig'lanishga qarshi yoki og'riq qoldiruvchi preparatlarni qabul qilganligi.

Qo'llanilgan usullar samaradorligini aniqlash 6 oy davomida amalga oshirilgan va bunda quyidagi ko'rsatkichlar inobatga olingan:

- Tizzadagi bo'g'im sindromi dinamikasini VASH (vizual analogli shkala) asosida baxolash;

- Leken algo-funktsional indeksi;

- TOMO miqdori dinamikasi.

- Tizza bo'g'imi rentgenografiyasi.

Tog'ayning oligomer matriks oqsili darajasi immunoferment taxlil usuli (ELISA, Rossiya) yordamida o'rganilgan.

Tadqiqotlardan olingan natijalarga STATISTICA 6.0 dasturiy to'plami yordamida hamda o'rnatilgan statistik ishlov berish usullaridan foydalanilgan holda statistik ishlov berilgan.

Natijalar va muhokama

Tekshirilayotgan OAg chalingan bemorlar orasida asosiy ulush - 54 (67,5%) ayollar hisobiga to'g'ri kelib, 5 yildan kam muddat mobaynida kasallanganlar 61 (76,2%), 5 yildan ko'p bo'lganlar 19 (23,8%) nafarni tashkil qilgan. Bo'g'im sindromidan tashqari umumiy holsizlik (31,3%), ta'sirchanlik, uyqu va diqqatning buzilishi (52,5%), notinchlik va qo'rquv (43,8%) kabi belgilar qayd etilgan. Shu bilan bir qatorda bemorlarda 87,5% holatida I darajali kamqonligi aniqlangan.

Kasallik anamnezidagi ma'lumotlar tahliliga asosan, OAning dastlabki belgilari (erta bosqichi) yuzaga kelgan paytda bemorlarning o'rtacha yoshi $41,3 \pm 2,8$ ni tashkil qilgan. Ilk belgilarning paydo bo'lishi bilan ushbu tashhis qo'yilguncha bo'lgan o'rtacha davr 24 oyni tashkil etgan. Ushbu vaqt oralig'ida bemorlar turli shifokorlarga $6 \pm 1,4$ marotabagacha murojat etishgan. Ulardan 15%da kasallikning ilk belgilari paydo bo'lgandan boshlab 6 oygacha bo'lgan muddatda OA tashhisi qo'yilgan, har 5- bemor (20%) kasallik boshlangandan so'ng o'rtacha 10 oy, ularning 1/3 qismi (31,3%) — 24 oy, 34% esa faqatgina 3 yildan keyingina (36 oy) o'z tashhisi haqida bilgan.

Bo'g'imlar funktsional holatining buzilishlarini tog'aydagi degenerativ jarayonni dinamik o'zgarishlari bilan ham bog'lash mumkin. 1-jadvaldan ko'rinib turibdiki, tadqiqotga jalb qilingan bemorlarning 68,8% I funktsional sinf va II ni 31,2% tashkil qilgan. O'z navbatida, Leken algo-funktsional indeksi $9,2 \pm 1,8$ dan iborat bo'lgan. Bemorlarning asosiy ulushini, ya'ni 51,2% semizlik II daraja tashkil qilgan.

Bemorlar qon zardobida TOMO miqdorini davo usuli negizida kuzatiladigan dinamikasi doirasida o'tkazilgan tadqiqot natijalari ko'rsatishicha, uning miqdorini kamaytirish orqali kasallikning klinik yaxshilanishi va uning turg'unligiga erishish mumkin. 2-jadvaldan ko'rinib turibdiki, asosiy guruhda TOMO miqdori amalga oshirilgan yondoshuv asosida 3-oy yakunidan boshlab ishonarli darajada ($p < 0,05$) kamayishi kuzatilib, nazorat guruhida esa 6-oy yakuniga kelgan taqdirda ham uning

faqat statistik ahamiyatga ega bo'lmagan ($p > 0,05$) kamayishiga moyillik bo'lgan.

1-jadval

Tadqiqotga jalb qilingan OA chalingan bemorlarning klinik-laborator ko'rsatkichlari

Belgilar	Ko'rsatkichlar (n=80)
Yoshi, yillar	54,5±4,4
Erkaklar, %	32,5
Ayollar %	67,5
OA davomiyligi, yillar	5,3±4,2
Bo'g'im sindromi	
Ertalabki karaxtlik davomiyligi, daqiqa	5,3±1,8
Og'riq, VASh, mm	46,7±1,84
Og'riqli bo'g'imlar soni	5,2±0,9
Shishgan bo'g'imlar soni	1,8±0,6
Sinovit mavjudligi %	82,5
Leken indeksi	9,2±1,8
Bo'g'imlar funktsional yetishmovchiligi	
I sinf	68,8
II sinf	31,2
Laborator ko'rsatkichlar	
S-reaktiv oqsil, mg/l	7,9±1,9
Eritrotsit cho'kish tezligi, mm/s	18,8±3,5
Tizza bo'g'imi rentgenografiyasi	
0-bosqich %	43,8
I bosqich %	40
II bosqich %	16,2
Tana vazni indeksi	
18-24,9 (%)	11,3
25-29,9 (%)	10
30-34,9 (%)	18,7
35-39,9 (%)	51,2
40 dan yuqori (%)	8,8

2-jadval

TOMO (ng/ml)					
Asosiy guruh (n=35)			Nazorat guruhi (n=35)		
Davo oldi	3-oy yakuni	6-oy yakuni	Davo oldi	3-oy yakuni	6-oy yakuni
3155,2±119,5	1966,8±110,2*	898,6±96,6**	3051,6±112,3	2791,6±349,7	2884,1±567,3

Izoh: ishonarlik darajasi * $p < 0,05$, ** $p < 0,01$, davo oldi ko'rsatkichlarga nisbatan.

Shu o'rinda ko'rsatish lozimki, adabiyot manbalarida qonda TOMO darajasining kamayishi Sustavin tarkibidagi garpagofitumni COX-2, iNOSlarni ingibirlash va tog'ay to'qimasiga agressiv darajada yallig'lanish jarayonni chaqiruvchi matriks metalloproteinaza, NO va elastazalarni so'ndirishiga olib kelish ehtimoli bayon qilingan. Albatta bunday vaziyatda bo'g'im sindromida yallig'lanish jarayoni so'nishi hisobiga klinik yaxshilanish kutiladi. Xaqiqatan ham, davolanish jarayonida asosiy guruhdagi bemorlarda tizza bo'g'imlarida ijobiy dinamika kuzatilgan va 3-jadvaldan ma'lumki, davolanishning 1-oyi

yakuniga kelib og'riq sindromining VASh doirasidagi ijobiy dinamikasi ($p < 0,05$) kuzatilgan va 6-oy yakunigacha uning turg'unligi bilan nazorat guruhidan farqlangan. O'z navbatida, nazorat guruhida VASh ko'rsatkichini ishonarli kamayishi ($p < 0,05$) 3-oyning yakunigacha kuzatilgan, lekin keyinchalik bu ijobiy dinamika ($p > 0,05$) 6-oyning yakunigacha yo'qolib borgan. Shu bilan bir qatorda, yallig'lanish o'tkir faza ko'rsatkichlari ham ma'lum o'zgarishlarga ega bo'lib, guruhlar orasida birinchi 3 oy davomida farqlik kuzatilmadi, lekin nazorat guruhidan

O'aga chalingan bemorlarni davolash negizida og'riq sindromi va yallig'lanishning o'tkir faza ko'rsatkichlari dinamikasi

Guruhlar	Asosiy guruh n=40			Nazorat guruhi n=40		
	VASh sm	SRO mg/l	EChT mm/s	VASh sm	SRO mg/l	EChT mm/s
Davo oldi	48,4±1,9	8,5±0,41	17,9±0,4	47,5±2,7	8,2±0,9	18,2±0,39
1-oy yakuni	31,4±0,8*	6,7±0,33	12,3±0,8	28,8±1,9*	6,4±0,11	13,5±0,8
2-oy yakuni	28,9±1,9*	4,7±0,33*	8,7±0,5*	31,2±1,5*	4,5±0,22*	10,2±1,5*
3-oy yakuni	24,1±3,3*	4,5±0,14*	8,6±1,6*	32,5±2,3*	5,3±0,26*	10,9±3,7
4-oy yakuni	22,5±1,5*	4,4±0,21*	7,3±0,7**	39,6±1,9	6,5±0,38	9,1±0,7*
5-oy yakuni	27,2±2,4*	4,8±0,07*	8,1±0,6**	38,9±1,9	6,3±0,26	12,6±3,7
6-oy yakuni	27,5±1,7*	4,6±0,85*	8,3±0,8**	36,4±1,7	6,5±0,31	11,9±7,9

Izoh: ishonarlik darajasi * $p<0,05$, ** $p<0,01$, davo oldi ko'rsatkichlarga nisbatan


VASh - vizual analogli shkalasi; SRO – S-reaktiv oqsil; EChT – eritrotsitlarning cho'kish tezligi.

Bo'g'imlar faoliyati buzilishlarini yallig'lanish jarayonining dinamik o'zgarishlari bilan ham bog'lash mumkin. O'z navbatida, yuqoridagi ko'rsatilgan ko'rsatkichlarning dinamikasi asosida bo'g'imlarning funksional imkoniyatlari o'zgarib borgan.


Kuzatuvning 3-oyida funksional imkoniyatlarning yaxshilanishi nazorat guruhidagi bemorlarda kuzatilgan, 1-rasmdan ko'rinib turibdiki, davo jarayonida Leken indeksi asosiy guruhdan farqli ularda $5,1±0,08$ gacha ishonarli darajada ($p<0,05$) kamayishi aniqlangan. Lekin keyingi kuzatuv oylarida esa nazorat guruhida bo'g'im faoliyati so'nib borgan ($7,5±2,4$). Garchi kuzatuvning 2-va 3-oyining oxirigacha asosiy guruhdagi bemorlarning tizza bo'g'imlarida funksional imkoniyatlari yetarli da-

rajada o'zgarmagan bo'lsada, keyingi oylarda aksincha Leken indeksi kamayib borgan va 6-oy yakuniga kelib 2,5 barobar ($3,6±0,5$; $p<0,001$) kamaygan.

Bugungi kunda O'ada tog'ayni baholashda rentgenologik tekshiruv o'z amaliy ahamiyatini yo'qotmagan bo'lib, bu usul orqali undagi o'zgarishlarning avjlanishini dinamikada kuzatish mumkin. WHO/ILAR (World Health Organisation/International League of Associations for Rheumatology) ko'rsatmalariga ko'ra, tizza bo'g'im rentgenografiyasi orqali uning tirqishi kengligini o'lchash bilvosita tog'aydagi degenerativ buzilishlarning rivojlanib borishini aniqlash imkonini beradi. Shu o'rinda bir yildan keyin o'tkazilgan tadqiqotda qo'llanilgan usullarni samardorligini rentgenologik baholash ikkala guruhda farqliklar borligida ko'rsatish mumkin.



1-rasm. Leken algo-funksional indeksini davolanish jarayonida o'zgarishi.



2-rasm. Tizza bo'g'imi O'aga chalingan bemorlarda davolanish jarayonida bir yildan keyin rentgenologik ko'rinish (bo'g'im tirqishi kengligi o'lchami) tasviri. a - asosiy guruh va b - nazorat guruhi bemori misolida (chapda - davodan oldin, o'ngda - bir yildan so'ng).

Bir yildan keyin qilingan rentgenografiyada, ya'ni 2-rasm misolida ko'rsatilganidek, asosiy guruhdagi bemorlarda tizza bo'g'imi tirqishi kengligi (2 a-rasm) deyarli toraymagan va bu tog'ayda degenerativ jarayonni kuchayib bormaganligidan dalolat beradi. O'z navbatida, nazorat guruhi bemorlarida aksincha bu ko'rsatkich yaqqol o'zgarishi bilan farqlanib, bunda tirqish kengligi tadqiqot oldi $5,5 \pm 0,07$ mm qayd etilgan bo'lsa (2 b-rasm), bir yildan so'ng $3,1 \pm 0,11$ mm gacha ($r < 0,05$) toraygan. Albatta bunday holat OAning avjlanishini to'liq to'xtamaganligidan dalolat beradi.

Olingan natijalarga ko'ra, tizza bo'g'imi OAda taklif berilgan usulni oilaviy qo'llanilishi nosteroid yallig'lanishga qarshi vositalarga (NYAQV) bo'lgan ehtiyojni yaqqol kamayishiga olib kelgan. Bunda bemorlar tomondan NYAQVni 6 oydan ziyod qo'llanilmagan holat 82,5% tashkil etgan, ya'ni nazorat guruhiga nisbatan 41,2%ga kam bo'lgan. Shu bilan bir qatorda, yil davomida nazoart guruhiga nisbatan asosiy guruh bemorlari 31,3% ga kam holatda bo'g'imdagi muommolar yuzasidan shifokorga murojaat qilgan.

Shunday qilib, OAgacha chalingan bemorlarda tog'ay TOMO dinamikasiga qaratilgan davolash usuli bo'g'imdagi funktsional imkoniyatlarning yaxshilashda va saqlab qolishda hamda tog'ayda parchalanish jarayonlarni zo'rayishini so'ndirish orqali kasallikning klinik kechishini yaxshilashda muhim o'rin egallaydi.

Xulosa

Tizza bo'g'imi OAda taklif berilgan usulni qo'llanilishi an'anaviy usuldan bemorlarning qon zardobidagi TOMO miqdorini kamayishi bilan farqlanib, bo'g'imlarning funktsional faoliyatini yaxshilash va saqlashda muhim o'rin tutadi. Bunda TOMO dinamikasiga qaratilgan davolash usuli an'anaviy usuldan tog'ayda parchalanish jarayonlarni zo'rayishini xaqqoniy so'ndirishi bilan farqlanadi. Shu bilan bir qatorda, mazkur usul bemorlarni nosteroid yallig'lanishga qarshi vositalarga bo'lgan ehtiyojni kamayishiga va yil davomida bo'g'imdagi muommolar yuzasidan vrachga murojaati kamayishiga imkon yaratadi.

Adabiyotlar

1. Altman R.D. The classification of osteoarthritis. J Rheumatol Suppl. -2015.-№ 43. -P.42-43.
2. Bijlsma J.W. Osteoarthritis: an update with relevance for clinical practice. Lancet. -2011. -№377. -P.2115-2126.
3. Felson D.T. Identifying and Treating Pre-Clinical and Early Osteoarthritis. Rheum Dis Clin North Am. -2014. -№ 40(4).-P.699-710.
4. Gelber A.C. Osteoarthritis research: current state of the evidence. Curr Opin Rheumatol. -2015. -№ 27(3).- P.273-275.

5. Glyn-Jones S, Agricola R. Osteoarthritis. Lancet. -2015.-№386(9991) -P.376-387.

6. Hensor E.M.A., Dube B. Toward a Clinical Definition of Early Osteoarthritis: Onset of Patient-Reported Knee Pain Begins on Stairs. Data From the Osteoarthritis Initiative. Arthritis Care Res (Hoboken). -2015. -№ 67(1).- P.40-47.

7. Jones L.D., Bottomley N. The clinical symptom profile of early radiographic knee arthritis: a pain and function comparison with advanced disease. Knee Surg Sports Traumatol Arthrosc. -2016.- № 24(1). P.161-168.

8. Khalmetova F.I., Akhmedov K.S., Buranova S.N. The role of imaging techniques in the assessment of structural changes in the joint in reactive arthritis - Academia Globe: Inderscience Research. 2022.

9. Khalmetova F.I., Akhmedov K.S., Razakova F.S. Comparative Analysis of the Clinical Presentation of Reactive Arthritis // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - 2021. -Vol. 11(1).- P.75-78.

10. Luyten F.P., Denti M. Definition and classification of early osteoarthritis of the knee. Knee Surg Sports Traumatol Arthrosc.- 2012.- № 20(3).- P.401-406.

11. Luyten F.P. Definition and classification of early osteoarthritis of the knee. Knee Surg Sports Traumatol Arthrosc.-2015.-№ 20(3).- P.401-406.

12. Madry H., Kon E. Early osteoarthritis of the knee. Knee Surgery, Sports Traumatology, Arthroscopy.- 2016. -№ 24(6).-P.1753-1762.

OSTEOARTRITLI BEMORLARDA TOG'AY OLIGOMER MATRIKS OQSILI KO'RSATKICHLARINI YAXSHILASHGA QARATILGAN TERAPEVTIK TADBIRLARNING AHAMIYATI

Buranova S., Ahmedov X., Rahimova M.

Maqsad: tizza bo'g'imlarining osteoartriti bo'lgan bemorlarda umumiy oligomerik matritsa oqsili darajasini yaxshilashga qaratilgan terapevtik usulning samaradorligini baholash. **Material va usullar:** tadqiqotda $54,5 \pm 4,4$ yoshli tizza bo'g'imlari osteoartriti bilan og'rikan 50 nafar bemor ishtirok etdi, ular asosiy va nazorat guruhlariga bo'lingan. Asosiy guruhdagi bemorlar oligomerik matritsa oqsili darajasini pasaytirishga qaratilgan davolanishni oldilar; nazorat guruhidagi bemorlar an'anaviy davolashdan foydalanmaganlar. **Natijalar:** tizza bo'g'imlarining osteoartritini davolash uchun tavsiya etilgan usul bo'g'imlarning funktsional qobiliyatlarini yaxshilash va saqlashda muhim rol o'ynaydigan oligomerik matritsa oqsilining tarkibini yanada samarali kamaytiradi. Davolash an'anaviydan farq qiladi. **Xulosa:** tavsiya etilgan davolash usuli funktsionallikni yaxshilash va saqlashda muhim rol o'ynaydi.

Kalit so'zlar: osteoartrit, tog'ay oligomer matriks oqsili, rentgenologik o'zgarishlar.



ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯЛИ БЕМОРЛАРДА КАРДИОВАСКУЛЯР ТИЗИМ ЗАРАРЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ганиева Н.А.

ОЦЕНКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПОРАЖЕНИЯ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТОЙ СИСТЕМЫ У БОЛЬНЫХ СИСТЕМНОЙ СКЛЕРОДЕРМИЕЙ

Ганиева Н.А.

ASSESSMENT OF INDICATORS OF DAMAGE TO THE CARDIOVASCULAR SYSTEM IN PATIENTS WITH SYSTEMIC SCLERODERMA

Ganieva N.A.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: оценка поражения сердечно-сосудистой системы у больных системной склеродермией. **Материал и методы:** в исследование включены 86 больных с диффузной формой системной склеродермией, находящихся на лечении в отделениях ревматологии и артрологии, кардиоревматологии, а также артрологического специализированного амбулаторного курса многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии. Пациенты разделены на три группы в зависимости от схемы лечения. **Результаты:** у пациентов 3-й группы наблюдалось достоверное увеличение фракции выброса левого желудочка, являющейся основным градиентом, определяющим функциональное состояние левого желудочка, увеличилась с 51,5 до 54,6%. Изучении связи комплекса интима-медиа с частотой встречаемости факторов риска ССД показало, что даже у больных, у которых не выявлялись факторы риска, этот показатель превышает 0,9 мм, а среди больных с пятью факторами риска и более обнаружен у 63,6%. **Выводы:** доплерография сонных артерий у больных системной склеродермией выявила патологическое увеличение комплекса интима-медиа общей сонной артерии и атеросклеротические бляшки.

Ключевые слова: системная склеродермия, сердечно-сосудистая система, интерлейкин-6, лечение, статины, тоцилизумаб.

Objective: To assess damage to the cardiovascular system in patients with systemic scleroderma. **Material and methods:** The study included 86 patients with a diffuse form of systemic scleroderma who were treated in the departments of rheumatology and arthrology, cardiorheumatology, as well as an arthrological specialized outpatient course at a multidisciplinary clinic of the Tashkent Medical Academy. Patients are divided into three groups depending on the treatment regimen. **Results:** In patients of the 3rd group there was a significant increase in the left ventricular ejection fraction, which is the main gradient determining the functional state of the left ventricle, increased from 51.5 to 54.6%. A study of the connection between the intima-media complex and the frequency of occurrence of risk factors for SSc showed that even in patients in whom no risk factors were identified, this indicator exceeds 0.9 mm, and among patients with five or more risk factors it was found in 63.6%. **Conclusions:** Dopplerography of the carotid arteries in patients with systemic scleroderma revealed a pathological increase in the intima-media complex of the common carotid artery and atherosclerotic plaques.

Key words: systemic scleroderma, cardiovascular system, interleukin-6, treatment, statins, tocilizumab

Тизимли склеродермия – бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари гуруҳига мансуб сурункали аутоиммун касаллик бўлиб унда тери, таянч-харакат аппарати, ички аъзоларнинг ва қон томирларининг прогрессив генерализацияланган шикастланишлари билан характерланади [1,2]. У кам учровчи касаллик ҳисобланиб, прогнози яхши бўлмаган аутоиммун патологиядир. ТСД билан бирламчи касалланиш йилига ҳар бир миллион аҳолига 3,7 - 19 ҳолатгача тўғри келади [3,4]. Леталлик йилига ҳар бир миллион аҳолига 1,4 – 5,3 тагача тўғри келади. Кейинги ўн йилликларда ТСД нинг тарқалиши ҳар 1 миллион аҳолига 4 дан 126 тагача ошди [6]. Бу соҳада ташхислашни такомиллашиши ва касалликнинг чин ортиши билан боғлиқ. Максимал касалланиш ўртача 30 – 50 ёшларда содир бўлади. Одатда кўпинча ТСД билан аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ касалланишади (5-7:1 нисбатда). Касалланишнинг 10 % и болалик ёшига тўғри келади [5,9]. Қолаверса, қон томирларнинг ге-

нерализацияланган шикастланиши ТСДнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу касалликнинг патогенетик бўғинларида атеросклероз ривожланишига мойиллик ётади [7,8]. Ҳозирда тасдиқланишича, ТСДли беморларнинг 50-60% дан ортиғида ўрта ва йирик калибрдаги қон томирларда атеросклеротик шикастланиш мавжуд [9,10]. ИЛ-6 миқдорининг ортиши атеросклероз ривожланишига салбий таъсири кўплаб тадқиқотларда ўз исботини топган [4].

Тадқиқот мақсади

Тизимли склеродермияли беморларда кардиоваскуляр тизим зарарланишини баҳолашдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқотга Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология ва артрология, кардиоревматология ҳамда артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси бўлимларида даволанган ТСДнинг диффуз шакли билан касалланган 86 нафар беморлар жалб этилди. Тадқиқот ишига 18 ёшдан 50

ёшгача (ўртача ёши $37,6 \pm 10,3$ ёш) бўлиб, касалликнинг давомийлиги ўртача $10,7 \pm 7,9$ йил бўлган. Уларнинг 75 (87,2%) тасини аёл ва 11 (12,8%) тасини эркаклар ташкил қилди. ТСД ташхиси замонавий клиник тавсияномаларда келтирилган тасниф меъзонлар шунингдек, 2013 йилда қабул қилинган Европа антиревматик лигаси (EULAR) ва 2016 йилдаги Америка ревматологлар коллегияси (ACR) халқаро мезонлари тавсияномасига асосланиб қўйилган. Назорат гуруҳи сифатида ТСД билан касалланган беморларга жинси, ёши, хавф омиллари, артериал қон босими, липид спектри бўйича мутаносиб бўлган 26 (86,7%) нафар аёл ва 4 нафар (13,3%) эркакдан иборат 30 та соғлом шахслар олинди.



Тадқиқотга жалб этилган барча беморлар даво турига кўра уч гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳга (n-34) мансуб беморларга кўрсатмага кўра ТСД касаллигини даволаш стандартлари тавсияси бўйича анъанавий даво, 2-гуруҳ (n-29) беморларга кўрсатмага кўра ТСД касаллигини даволаш стандартлари тавсияси бўйича анъанавий давога қўшимча статин (аторвастатин препарати 20-40 мг миқдорда 6 ой муддатга), 3-гуруҳга (n-23) кўрсатмага кўра ТСД касаллигини даволаш стандартлари тавсияси бўйича анъанавий давога ҳамда статинга қўшимча моноклонал антита-на препарати ҳисобланган тоцилизумаб схема бўйича (8 мг/кг миқдорни инъекция шаклида ҳар 4 ҳафтада бир марта) 6 ой муддатга буюрилди.

Тадқиқотга олинган барча гуруҳ беморларидан даводан олдин ва даводан кейин умумклиник (умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлили), биокимёвий (АЛТ, АСТ, билирубин, мочевина, креатинин, уму-

мий оқсил), липид спектри кўрсаткичлари (ХС, ЗПЛП, ЗЮЛП, ТГ), иммунологик текширувлар (СРО, РО) ва махсус лаборатор таҳлиллар асосида қон зардобида цитокин (ИЛ-6) текширилди. Шунингдек ЭКГ, ЭхоКГ, кўкрак қафаси рентгенографияси, ички аъзолар УТТси, кўрсатмага кўра ЭГДФС, уйқу артериясини доплерографияси текширувлари ўтказилди. Эрта атеросклероз белгиларини аниқлаш учун иккала уйқу артериясини доплерографияси амалга оширилди.

Натижалар ва муҳокама

Олинган натижаларга кўра, чап қоринча сўнгги систолик ва диастолик ҳажмини тадқиқот мобайнида ўзгариши ўрганилганда, чап қоринча сўнгги систолик ҳажми ўзгаришлари 1-гуруҳ беморларида тадқиқот бошига нисбатан ишончли ошган бўлса, 2-гуруҳда эса мазкур кўрсаткични деярли ўзгармаганлиги статистик таҳлилларда қийматларнинг ишончсиз ўзгарганлиги билан ўз тасдиғини топди. Шунингдек, 3-гуруҳда эса ЧҚССХ ишончли пасайиб юрак ремоделланиши ижобий томонга силжигани кўрилди. Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 1-гуруҳ беморларида ЧҚСДХ тадқиқот бошига нисбатан сезиларли ошгани кўринади. Бу демак юрак ремоделланишини салбий томонга силжиганлик белгисидир. 2-гуруҳда эса мазкур кўрсаткични деярли ўзгармаганлиги кузатилди. Шунингдек, 6 ой мобайнида анъанавий давога қўшимча статин ҳамда тоцилизумаб препаратини қабул қилган беморлардан ташкил топган 3-гуруҳда эса ЧҚСДХни ишончли пасайиб ижобий натижа қайд этилгани кузатилди (1-расм).



1-расм. Чап қоринча сўнгги систолик ва диастолик ҳажмини тадқиқот мобайнида ўзгариши.

изох: * - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$) ** - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (**- $p < 0,01$).

Юрак ҳажмий кўрсаткич мезони саналган чап қоринча миокард массаси 1-гуруҳ беморда тадқиқот бошига нисбатан ишончли ошиб чап қоринча гипертрофиясини жадал равишда давом этаётганлигидан далолат бераётган бўлса, 2-гуруҳда эса мазкур кўрсаткич ишончсиз қийматларда ўзгарди. Анъанавий давога қўшимча статин ҳамда тоцилизумаб препаратини қабул қилган 3-гуруҳда эса ЧҚММ тадқиқот


сўнгидеги қийматларга мувофиқ ишончсиз ўзгариб чап қоринча гипертрофияси жараёнини сезиларли секинлашганлигидан далолат берди. Чап қоринча функционал ҳолатини белгиловчи энг асосий градиент ҳисобланган чап қоринча фракцияси 1-гуруҳ беморларимизда тадқиқотимиз мобайнида ишончли қийматларда камайиб салбий натижаларни намён этди. Анъанавий давога қўшимча аторваста-

тин қабул қилган беморлардан иборат 2-гурӯҳда эса мазкур кўрсаткич ишончсиз ўзгарди, яъни қийматларни у ёки бу томонга силжиши сезиларсиз бўлди. 6 ой мобайнида анъанавий давога қўшимча статин ҳамда тоцилизумаб препаратини қабул қилган беморлардан ташкил топган 3-гурӯҳда эса ЧҚҚОФ ни 51,5% дан 54,6% га ишончли ошиши бу юрак фаолиятидаги ижобий натижадир. ТСДли беморларда васкуляр патологиянинг шаклланиши уйқу артерияларида атеросклеротик пилакчалар ва ИМКнинг қалинлашуви аниқланиши билан намоён бўлади.

Шунинг учун биз изланишларимизда, уйқу артерияларининг ИМК қалинлигини ўзгаришини турли ёшдаги ТСД ли беморлардан иборат тадқиқот гуруҳларидаги натижаларни таҳлил қилганимизда ТСД нинг 18-30 ёшли беморлардан иборат гуруҳда ИМК қалин-

лиги $0,92 \pm 0,05$ мм бўлиб у назорат гуруҳига нисбатан кам ишончли ($p < 0,05$) ўзгаргани аниқланди. ТСД нинг 31-40 ёшли беморлардан иборат гуруҳда ИМК қалинлиги $0,99 \pm 0,06$ мм бўлиб у назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($p < 0,01$) ўзгаргани кузатилди. ТСД нинг 41-50 ёшли беморлардан иборат гуруҳда эса ИМК қалинлиги $1,08 \pm 0,06$ мм эканлиги аниқланиб натижа назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($p < 0,01$) қалинлашганлиги статистик таҳлиллар асосида ўз тасдиғини топди.

ТСД ли беморларда ИМК кўрсаткичларини хавф омил (ХО)лари учраш частотаси билан боғлиқлиги ўрганилганда ХО кузатилмаган беморларда ҳам ИМК кўрсаткичини 0,9 мм дан ошганлигини кўриш мумкин ва бу 22,2% ни ташкил этиб, 5 дан кўп хавф омили бўлган беморларда эса бу кўрсаткич 63,6% ида аниқланди (2-расм).




2-расм. Тизимли склеродермияли беморларда интима - медиа комплекси кўрсаткичларини хавф омиллари билан учраши.

ИЛ-6 миқдорини ИМК кўрсаткичи билан боғлиқ ҳолда ўзгариши ўрганилганда назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда интерлейкин-6 миқдори ортиши билан ИМК қалинлигини 0,9 мм дан ошганлиги кузатилди ва бу қиймат ўртача 1 мм ни ташкил қилди.

Кардиоваскуляр тизим ўзгаришларининг томир компоненти ҳисобланган уйқу артериялари ИМК қалинлиги тадқиқотларимизда олти ойлик да-

волаш фониди куйидагича ўзгарди: 1-гурӯҳда ИМК кам ишончли ($p < 0,05$) қийматларда бўлса ҳам қалинлашиб жараённинг янада ёмонлашганлигини кўрсатди. 2-гурӯҳда қийматлар деярли ўзгармади. Анъанавий давога қўшимча аторвастатин ва тоцилизумаб препаратларини қабул қилган 3-гурӯҳ беморларида эса даволанишдан сўнг ИМК қалинлигини ишончли ($p < 0,01$) камайиб ижобий натижаларни акс эттирди (3-расм).



3-расм. Уйқу артерияси интима - медиа комплекси кўрсаткичинини даволаш фониди ўзгариши.

изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$); ^ - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (^ - $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,01$, ^^^ - $p < 0,001$).

Бу ҳолатни биз моноклонал антитана препаратларини ИЛ-6 цитокини фаоллигини блоклаши туфайли мувофиқлашган дислипидемия жараёнларини қон томирлардаги акси сифатида изоҳлаймиз.

Шундай қилиб, кардиоваскуляр тизим ҳолатини таҳлил қилиш бизга анъанавий давога қўшимча аторвастатин ва тоцилизумаб препаратларини қабул қилиб тўлақонли даволанган 3-гуруҳ беморларида ЧҚСДХ ва ЧҚССХни тадқиқот бошига нисбатан ишончли пасайиши, ЧҚММ ва ЧҚММ индексини кам ортиб кетиши, яъни юрак гипертрофиясини секинлаштириши, шунингдек, энг асосийси ЧҚҚОФ ни ишончли қийматларда ошганлигини кўрсатди. Бу ўзгаришлар юрак ремоделингидаги ижобий силжиш сифатида баҳоланади. Шунингдек, мазкур гуруҳда уйқу артериялари қон томирлари ИМҚ қалинлигини даволанишдан сўнг ишончли камайиши бу янги тавсияни самарасини яна бир бора исботлайди. Бу ижобий натижаларни биз моноклонал антитана препаратларини ИЛ-6 цитокини фаоллигини блоклаши туфайли мувофиқлашган дислипидемия жараёнларини кардиоваскуляр тизимдаги манзараси сифатида тушинтираемиз.

Хулоса

Тизимли склеродермия билан касалланган беморларда кардиоваскуляр тизимда ЭКГ ва ЭхоКС текширув натижалари бўйича салбий ўзгаришлар аниқланди, хусусан чап қоринча гипертрофияси - 43% ҳолатда, қоринчалар экстрасистолияси - 38%да, коронар етишмовчилик - 30%да аниқланди, ҳамда чап қоринчанинг сўнгги систолик ҳажмини 47%га ва миокард массасини 66%га ортиши билан намоён бўлди. Тизимли склеродермия билан касалланган беморларда умумий уйқу артериясининг интима - медиа комплексини патологик ошиши (>0,9 мм) 32,4% ҳолатларда, атеросклеротик плакчалар 18,6% беморларда аниқланди.

Адабиётлар

1. Ананьева Л.П., Александрова Е.Н. Аутоантитела при системной склеродермии: спектр, клинические ассоциации и прогностическое значение // ФГБНУ Научно-исследовательский институт ревматологии. В.А. Насоновой, - 2015 г. Москва, Россия. С.86 - 99.
2. Арипова Н.А., Джураева Э.Р., Ганиева Н.А., Зияева Ф.К., Исакова М.Б. Тизимли склеродермиянинг турли кечиб вариантларида интерлейкин-4 даражасини баҳолаш // Вестник Ташкентской медицинской академии. -2023. - №5. - С.25-29.
3. Бабаева А.Р., Калинина Е.Б., Звоноренко М.С. Клинические аспекты проблемы коморбидности у пациентов с ревматоидным артритом // Украинский ревматологический журнал. -2019. - №2(70). - С.3-11.
4. Бекетова Т.В., Насонов Е.Л. Инновационные методы лечения артериита Такаясу: в фокусе ингибиторы интерлейкина-6. Собственный опыт применения тоцилизумаба и обзор литературы. Научно-практическая ревматология.

- 2017. - №55(5). - С.536-48.

5. Голова Р.Г., Алекберова З.С., Лисицына Т.А., Степанова Е.А., Орлова Л.П. Поражение кишечника при болезни Бехчета. Терапевтический архив. - 2019. - №91(5). С.111-119.

6. Гузенко А. Д., Краснощекова Д. А. Проблемы поражения сердца у пациентов с системной склеродермией // Актуальные проблемы экспериментальной и клинической медицины. - 2021. - С. 203-204.

7. Джураева Э. Р., Ганиева Н. А. Современные подходы к лечению рецидивирующего полихондрита // Вопросы организации и информатизации здравоохранения. - 2016. - №. 5. - С. 116-117.

8. Матюсупова С. Г. и др. Современные биомаркеры раннего атеросклероза у больных системной склеродермией // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. - 2023. - Т. 2. - №. 5. - С. 123-128.

9. Anyfanti P, Triantafyllou A, et al. Association of non-invasive hemodynamics with arterial stiffness in rheumatoid arthritis. Scandinavian Cardiovascular Journal. - 2018.- №4. - P.171-176.

10. Aripova N.A., Djurayeva E.R., Abduazizova N.X., Berdiyeva D.U., Ganiyeva N.A., Ziyayeva F.K. The role of pro-inflammatory cytokines in various types of systemic scleroderma // The Seybold Report Journal. - 2023. - Vol. 18. - № 6. - P. 1469-1476.

ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯЛИ БЕМОРЛАРДА КАРДИОВАСКУЛЯР ТИЗИМ ЗАРАРЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ганиева Н.А.

Мақсад: тизимли склеродерма билан оғриган беморларда юрак-қон томир тизимининг шикастланишини баҳолаш. **Материал ва усуллар:** тадқиқотда ревматология ва артрология, кардиоревматология кафедраларида даволанаётган диффуз тизимли склеродерма билан касалланган 86 бемор, шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг артрологик ихтисослаштирилган амбулатория курси иштирок этди. Беморлар даволаниш режимида қараб уч гуруҳга бўлинади. **Натижалар:** 3-гуруҳ беморларида чап қоринча ежексиён фракциясида сезиларли ўсиш кузатилди, бу чап қоринчанинг функционал ҳолатини аниқлайдиган асосий градиент бўлиб, 51,5 дан 54,6% гача ошди. Интима-медиа комплексининг ТСД учун хавф омилларининг пайдо бўлиш частотаси билан боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳатто хавф омилларини аниқламаган беморларда ҳам бу кўрсаткич 0,9 мм дан ошади ва бешта хавф омилли ёки ундан кўп бўлган беморлар орасида 63,6% да топилган. **Хулоса:** тизимли склеродерма билан оғриган беморларда каротис артерияларнинг доплерографияси умумий каротис артерия ва атеросклеротик плакларнинг интима-медиа комплексидида патологик ўсишни аниқлади.

Калит сўзлар: тизимли склеродермия, кардиоваскуляр тизим, интерлейкин-6, даволаш, статинлар, тоцилизумаб.

ВЛИЯНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ НА УСПЕВАЕМОСТЬ СТУДЕНТОВ ТРЕТЬЕГО КУРСА ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Дадабаева Н.А., Мирзалиева А.А., Махмуджонова М.Э.

SOG'LOM TURMUSH TARZINING TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASINING UCHINCHI KURS TALABALARI FAOLIYATIGA TA'SIRI

Dadabayeva N.A., Mirzaliyeva A.A., Makhmudjonova M.E.

THE INFLUENCE OF A HEALTH LIFESTYLE ON THE ACADEMIC PERFORMANCE OF THIRD-YEAR TASHKENT MEDICAL ACADEMY STUDENTS

Dadabaeva N.A., Mirzaliyeva A.A., Makhmudzhonova M.E.

Ташкентская медицинская академия

Maqsad: talabalar sog'lom turmush tarziga rioya qilmasa, ularning o'quv faoliyatiga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlash. **Material va usullar:** tadqiqotga TTA tibbiyot fakultetining 3-kurs 100 nafar sog'lom talabarlari jalb qilindi, ulardan 54% qizlar, 46% o'g'il bolalar. Tekshiruvdan o'tganlarning barchasidan ularning ovqatlanish tabiati, yomon odatlari, uyqu davomiyligi, o'quv faoliyati va boshqalar haqidagi savollarni o'z ichiga olgan so'rovnoman to'ldirish so'ralgan. **Natijalar:** tadqiqot shuni ko'rsatdiki, talabalar akademik ko'rsatkichlariga quyidagi ko'rsatkichlar katta ta'sir ko'rsatadi. uyqu, jismoniy faoliyat va kompyuterda o'tkaziladigan vaqt. **Xulosa:** yoshlarda o'z salomatligiga mas'uliyatli munosabatni shakllantirishga davlat darajasida zamonaviy yondashuvni ta'minlash zarur.

Kalit so'zlar: talabalar, sog'lom turmush tarzi, yomon odatlar.

Objective: To determine the factors influencing the academic performance of students if they do not adhere to a healthy lifestyle. **Material and methods:** The study included 100 healthy 3rd year students of the Faculty of Medicine of TMA, of which 54% were girls, 46% were boys. All those examined were asked to fill out a questionnaire that contained questions about the nature of their diet, bad habits, duration of sleep, academic performance, etc. **Results:** The study showed that the academic performance of students is greatly influenced by indicators such as sleep, physical activity, and time spent at the computer. **Conclusions:** It is necessary at the state level to provide a modern approach to developing a responsible attitude towards their health in young people.

Key words: students, healthy lifestyle, bad habits.

В самой известной древней книге Авеста были даны обоснованные рекомендации о здоровье человека и его сохранении. Китайские трактаты и учения Конг Фу (2600 л. до н.э.), индийская Аюрведа (1800 л. до н.э.) уже системно определяли понятия здоровье, пути его сохранения и укрепления. Эти учения и сегодня имеют свою глубокую значимость и практическую необходимость [2].

Здоровье – это состояние полного физического, душевного и социального благополучия. Основами здорового образа жизни являются рациональное питание, физическая активность и укрепление психического здоровья.

Рациональное питание – это правильное сбалансированное питание. Одной из основ представления о сбалансированном питании служит пирамида, в основании которой находятся сложные углеводы, затем клетчатка и белки, вершина – жиры и масла.

По определению ВОЗ, физическая активность – любое движение тела, производимое скелетными мышцами. Физическая активность оказывает большое влияние на умственную работоспособность [4].

Психическое здоровье важно при ведении здорового образа жизни. Восстановлению и укреплению пси-

хического здоровья служат позитивное мышление и ограничение потока негатива, часто получаемое через компьютер.

Цель исследования

Определение факторов, влияющих на успеваемость студентов при несоблюдении здорового образа жизни.

Материал и методы

В исследование были включены 100 здоровых студентов 3-го курса лечебного факультета ТМА, из них 54% составляли девушки, 46% – юноши. Всем обследованным было предложено заполнить анкету, которая содержала вопросы о характере питания, вредных привычках, длительности сна, успеваемости и др.

Результаты

Распределение обследованных в зависимости от индекса массы тела (ИМТ) показало [3], что дефицит массы тела (ИМТ <18,5) наблюдался у 18% девочек, ИМТ был в норме (18,5-24,9) у 28% юношей и 40% – девушек, повышение массы тела (25-29,9) – соответственно у 16 и 4%. Вредные привычки студенты не имели. Артериальное давление у всех обследованных было в пределах нормы.

Ф.И.О.	
ИМТ	
Вредные привычки	
Артериальное давление	

Физическая активность	
Потребление ккал	
Время проведения за компьютером	
Длительность сна	
Личная гигиена (чистка зубов)	
Успеваемость	

Результаты обследования представлены в таблице.

Таблица

Распределение опрошенных студентов в зависимости от ответов на вопросы анкеты

Показатель	Юноши	Девушки
Потребление калорий в сут:		
-1000-1500	-	52
-1500-2000	23	3
-2000-2900	22	-
Количество шагов в день, тыс.:		
- <5	5	5
- 5-10	39	30
- 10-15	1	21
Вид спортивных занятий:		
- теннис	3	6
- плавание	2	7
- футбол	8	-
- баскетбол	5	-
- волейбол	5	-
- ходьба	23	41
Личная гигиена, раз/сут:		
- 1		
- 2		
Время, проведенное за компьютером, ч:		
- 1-2	7	48
- 3-4	39	6
Длительность сна, ч:		
- 4-6	21	34
- 7-8	12	16
- 8-9	12	5
Успеваемость, балл:		
- 60-71	18	8
- 71-85	21	25
- 86-100	5	21

Как видно из таблицы, различными видами спорта занимаются ограниченное число студентов, в основном юноши. Большинство свободное время предпочитают ходить. Личную гигиену в виде ухода за полостью рта соблюдают 61% респондентов, в основном девушки.

Больше времени за компьютером проводят юноши, что оказывает влияние на подготовку к занятиям, укорачивает время на сон и может привести к развитию зависимости. Анализ длительности сна показал, что девушки недостаточное время уделя-

ют сну из-за подготовки к занятиям, а юноши из-за длительного нахождения за компьютером.

Данные об успеваемости показывают, что на удовлетворительно занимаются больше мальчики, на хорошо и отлично – больше девочки. На это возможно влияют активность студентов, длительность нахождения за компьютером и время, уделяемое сну.

Калораж пищи и соблюдение личной гигиены – факторы, оказывающие большое влияние на здоровье в будущем.

Таким образом, исследование показало, что такие показатели как сон, физическая активность, время, проведенное за компьютером, оказывают большое влияние на успеваемость студентов.

Понимание данного вопроса на государственном уровне обеспечит современный подход к формированию ответственного отношения к своему здоровью [1].

Литература

1. Маджидов Н.М. // Неврология. – 2014. – №1. – С. 4.
2. Маджидов Н.М. // Неврология. – 2014. – №1. – С. 2.
3. Самародская И.В. ИМТ и парадокс ожирения // Рус. мед. журн. – 2014.
4. Щербук Ю.А., Булатова Е.М. // Здоровье детей: профилактика социально-значимых заболеваний: Материалы 4-го Рос. форума. – СПб, 2010. – №1.

ВЛИЯНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ НА УСПЕВАЕМОСТЬ СТУДЕНТОВ ТРЕТЬЕГО КУРСА ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Дадабаева Н.А., Мирзалиева А.А.,
Махмуджонова М.Э.

Цель: определение факторов, влияющих на успеваемость студентов при несоблюдении здорового образа жизни. **Материал и методы:** в исследование были включены 100 здоровых студентов 3-го курса лечебного факультета ТМА, из них 54% составляли девушки, 46% – юноши. Всем обследованным было предложено заполнить анкету, которая содержала вопросы о характере питания, вредных привычках, длительности сна, успеваемости и др. **Результаты:** исследование показало, что на успеваемость студентов большое влияние оказывают такие показатели как сон, физическая активность, время, проведенное за компьютером. **Выводы:** необходимо на государственном уровне обеспечить современный подход к формированию у молодых людей ответственного отношения к своему здоровью.

Ключевые слова: студенты, здоровый образ жизни, вредные привычки.



ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ И ЛЕЧЕНИЯ РЕАКТИВНОГО АРТРИТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ВОЗБУДИТЕЛЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ

Джурова Э.Р., Ганиева Н.А., Исраилов А.А.

РЕАКТИВ АРТРИТНИ ҚЎЗҒАТУВЧИСИГА КЎРА КАСАЛЛИКНИ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Джурова Э.Р., Ганиева Н.А., Исраилов А.А.

FEATURES OF THE COURSE AND TREATMENT OF REACTIVE ARTHRITIS DEPENDING ON THE CAUSATIVE AGENT OF THE DISEASE

Djuraeva E.R., Ganieva N.A., Israilov A.A.

Ташкентская медицинская академия

Мақсад: реактив артритнинг турли шаклларида антибактериал терапия самарадорлигини ўрганиш. **Материал ва усуллар:** текширувда 86 та РеА ташхисли бемор (48 та эркак ва 38 та аёл) кўрилган. **Натижалар:** беморлар инфекция ўчоқларининг клиник белгиларига кўра, уч гуруҳга бўлинган: уроген артритлар - 58 та бемор, энтероген - 18 та, аралаш - 10та бемор. Антибактериал препаратлардан доксициклин, рокситромицин, ципрофлоксацин қўлланилган ва самарадорлиги аниқланган. **Хулоса:** тадқиқот натижалари РеА турли шаклларида антибактериал воситалар самарадорлигини аҳамиятлигини сезиларли даражада кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: реактив артрит, антибактериал даво, даволаш самарадорлиги.

Objective: The article presents data of study of the efficacy of antibiotic therapy in various forms of reactive arthritis. **Materials and methods:** The study included 86 patients with a diagnosis of ReA. **Results:** Which depends on clinically detected foci of infection, all patients were divided into three groups which urinogenous arthritis was diagnosed in 58 patients, enterogenous – in 18 patients, mixed – in 10 patients. As an antimicrobial drugs used doxycycline, roxithromycin, ciprofloxacin. **Conclusions:** results of the study demonstrate the substantial differences of effectiveness of antibacterial agents in various forms of ReA.

Key words: reactive arthritis, antibiotic therapy, effectiveness of treatment.

Заболевания суставов занимают одно из первых мест среди причин нетрудоспособности населения в возрасте 16-72 лет и являются основной причиной инвалидности лиц старше 65 лет.

Среди хронических воспалительных заболеваний суставов одним из наиболее часто встречающихся является реактивный артрит (РеА). Пациенты с РеА составляют около 10% больных ревматологических стационаров, причем при хронической форме заболевания может развиваться значительная утрата функциональных способностей суставов и возникновение тяжелых осложнений, что приводит к инвалидизации 42% пациентов [1].

РеА – воспалительное негнойное заболевание суставов, развивающееся вскоре (обычно не позже чем через 1 мес) после острой кишечной или урогенитальной инфекции. РеА встречается у 2-6% больных, перенесших кишечную инфекцию, и у 1-3% перенесших мочевую инфекцию, уретрит, связанный с инфекцией *Chlamidia trachomatis* [2].

В последние годы отмечается рост числа больных РеА. Согласно эпидемиологическим данным, в 15-70% возникает рецидив заболевания. У 20% больных имеется та или иная форма хронического периферического артрита и/или поражения осевого скелета [3].

РеА вызывается весьма разнообразными возбудителями. Инфекционные агенты можно условно разделить на кишечные – *Shigella flexneri* и 2a, *Shigella sonnei*, *Campylobacter jejuni*, *Salmonella heidelberg*, *Salmonella typhimurium*, *Salmonella choleraesuis*, *Yersinia*

enterocolitica серотип 03 и 09, *Yersinia pseudotuberculosis* и мочеполовые (*Chlamidia trachomatis*) [4-6].

В ряде случаев развитию РеА может предшествовать одновременно кишечная и урогенитальная инфекция. Кроме того, показана возможность появления РеА у одного и того же больного как после кишечной, так и после урогенитальной инфекции в разные периоды жизни, равно как и после инфекционных процессов одной локализации, но вызываемых различными возбудителями. Не исключают значение инфицирования кишечника и урогенитального тракта одновременно несколькими микроорганизмами. Установлена роль реинфицирования при рецидивах РеА, в частности при возобновлении половых контактов с несанированным партнером, предшествовавший контакт с которым вызвал урогенитальную инфекцию, осложнившуюся РеА [1,4,6].

Несмотря на большое количество информации о предполагаемых возбудителях РеА, в настоящее время у 30-50% больных РеА остаются безуспешными все попытки идентифицировать первичный инфекционный агент с использованием современных микробиологических и серологических методов как в начальной стадии РеА, так и через длительный период после его появления. Это связано с рядом причин, например, возможно сочетание предшествовавших РеА инфекционных процессов различной локализации, а также участие нескольких патогенных микроорганизмов в инфекционном процессе одной локализации [7].

Повышенный интерес к РеА связан не только с его высокой распространенностью, но и с установленной этиологией заболевания, а также открывающимися возможностями для антибактериального воздействия на течение заболевания.

Основные принципы лечения РеА любой этиологии можно свести к следующим основным составляющим: антибактериальная терапия, патогенетическая терапия артрита, включающая противовоспалительную терапию, направленную на подавление воспалительного процесса; терапия, контролирующая течение болезни, при его хроническом, инвалидизирующем течении, применение базисных средств, методов локальной терапии [8-10].

Несмотря на то, что связь РеА с микробными возбудителями считается установленной, и антибактериальная терапия, входящая в программу, является обязательной при лечении заболевания, исследования, касающиеся эффективности антибактериальных препаратов при РеА немногочисленны, выполнены на ограниченном клиническом материале, носят нерандомизированный характер, результаты их неоднозначны, без изучения сравнительной эффективности различных антибактериальных средств.

На сегодняшний день не является точно установленной не только сравнительная эффективность различных антибактериальных препаратов, но и частота и продолжительность достигнутых ремиссий. Таким образом, представляется целесообразным дальнейшее проведение исследований по изучению эффективности антибактериальной терапии при РеА.

Цель исследования

Изучение возможностей дифференцированной антибактериальной терапии при различных формах РеА.

Материал и методы

В исследование были включены 86 больных (48 мужчин и 38 женщин) с достоверным диагнозом РеА, установленным на основании критериев, предложенных АКР (1999). Средний возраст пациентов – $37,12 \pm 2,6$ года, продолжительность заболевания – в среднем $7,2 \pm 1,8$ года.

Среди пациентов преобладали лица с подострой формой (51%) течения заболевания. В зависимости от клинически выявленного очага инфекции все

больные были разделены на три группы: урогенный артрит выявлен у 58 больных (67%), энтеро-генный – у 18 (21%), смешанная этиология артрита имела место у 10 (12%).

